

**ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:342.5(575.1)(043)**

ШОДИЕВА БАХТИНИСО МАРДОНОВНА

**СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИДА
ТУТГАН ЎРНИ**

**5А240101 – Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви
(Конституциявий ҳуқуқ; маъмурий ва молия ҳуқуқи; давлат ва ҳуқуқ
назарияси ва тарихи)**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

**Илмий раҳбар: юридик фанлар
доктори, доцент М.А.Ахмедшаева**

ТОШКЕНТ-2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
 I БОБ. ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ ВА СУД ҲОКИМИЯТИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК: НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛ	
1.1. Давлат механизми ва унинг таркибий элементлари	12
1.2. Давлат механизмидаги суд органлари тутган ўрни хусусиятлари	16
1.3. Суд ҳокимиятини тушуниш масалалари	22
I боб бўйича хулоса	27
 II БОБ. СУД ҲОКИМИЯТИ: ТИЗИМЛИ ВА ФУНКЦИОНАЛ ЁНДАШУВ	
2.1. Суд ҳокимиятининг тизими ва тузилмаси	28
2.2. Одил судловнинг конституциявий принциплари тавсифи	35
2.3. Суд ҳокимияти ваколатлари ва функцияларининг назарий тавсифи ...	43
2.4. Суд ҳужжатлари судлар фаолиятининг ҳуқуқий шакли сифатида	49
II боб бўйича хулоса	57
 III БОБ. СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
3.1. Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти билан ўзаро муносабати асосларини такомиллаштириш	58
3.2. Суд ҳокимияти фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш	68
III боб бўйича хулоса	75
 ХУЛОСА	77
 Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятининг шакллантиришнинг муҳим шарт-шароитларидан бири – ҳақиқий суд ҳокимиятини шакллантириш, унинг реал мустақиллигини таъминлаш ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд ҳокимиятининг шакллантириш ва унинг чинакам ҳокимият тармоғига айлантириш борасида кенг ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг қуйидаги натижаларини алоҳида кўрсатиш зарур:

- суд ҳокимияти устидан прокуратура органларининг назорат функциялари бекор қилинганлиги;
- суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура органлари ваколатларидан чиқарилганлиги;
- жиноят ишини юритишда суд назоратининг янада мустаҳкамланганлиги;
- ҳимоя ва айблов тортишувини таъминлаш тизими ва механизмларини такомиллаштирилганлиги;
- “Хабеас корпус” институти қўлланишини кенгайтирилаётганлиги, яъни шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш ҳам фақат судьянинг санкцияси асосида амалга оширилаётганлиги;
- дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилганлиги;
- судда жиноий ишларни кўриб чиқишда қонунийлик, адолатни таъминлашнинг ушбу самарали механизмини изчил ривожлантирилаётганлиги;

- умумий юрисдикция судларининг таркибий тузилмаси ва фаолиятининг ташкилий асослари такомиллаштирилганлиги;
- ишларни кўриб чиқиш сифатини ошириш ва муддатларини қисқартириш мақсадида фуқаролик судлари сони кўпайтирилганлиги;
- судларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамланганлиги;
- суд ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар кўрилаётганлиги;
- судья лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар кучайтирилганлиги ва бошқа қатор ислоҳий ўзгаришларни киритиш мумкин¹.

Шу билан бирга суд тизимидаги ислохотлар қисқа бир давр ичида тезгина амалга ошириладиган тадбир бўлмай, балки суд тизимини такомиллаштиришга қаратилган ва давр талабларидан келиб чиққан динамик жараёндир.

Суд ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мазмун ва моҳияти суднинг жамиятимизда тутган ўрнини янада кўтариш, уни ҳокимиятнинггинакаммустақил тизимига айлантириш, суд органларини фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчини фузли васамарали институтга айлантиришга қаратилгандир². Юқоридагиларга асосланган ҳолда, танланган мавзунинг долзарблиги қуйидаги ҳолатларда ифодаланади:

¹Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 9 декабрь.

²Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд ислохотлари таҳлили тўғрисида кенгрок қаранг: Ф.Ф.Мухитдинова. Судебно-правовая реформа в Узбекистане. Задачи, достижения, перспективы. Т.:2008.168с..М.Ражабова. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш муаммолари. //Ҳуқуқ. Право. Law. 2000. №2.43-44 бетлар; З.Исламов. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. Т., 2003.188-242; М.Рустамбаев. Состояние и перспективы судебно-правовой реформы в Республике Узбекистан // Узбекистан на пути к гражданскому обществу. Т., Шарқ, 2003. 138-154.;Ражабова М. Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил. Т.:Адолат.2005; М.Мамасидиков. Судлар томонидан процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя этиш –одил судлов кафолати // Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси, 2013 йил, №2 (14);”Жиноий жазоларни либераллаштириш –инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омили” // Инсон ва қонун, 2014 йил 4 ноябрь.

Биринчидан, Ўзбекистон ўзининг пировард мақсади қилиб, ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳисобланади. Мустақил нуфузли суд ҳокимият мавжудлиги – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим шарти ҳисобланади. Шунга боғлиқ ҳолда, бугунги кунда суд ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни давлат ва ҳуқуқ назарияси фани нуқтаи-назаридан таҳлил этиш заруратининг мавжудлиги;

Иккинчидан, давлат органларининг бир тури бўлган суд органларини ўз ичига олган суд ҳокимиятининг давлат механизмида тутган ўрнини, яъни уларнинг бошқа давлат органлари билан бўладиган ўзаро муносабатини моҳиятини аниқлаш орқали белгилаш –ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга, чунки, бу масала бевосита ҳокимиятлар бўлиниши принципининг “бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаб туриш” механизмига оид. Бугунги кунда эса, айнан шу масалалага оид тадқиқотлар жуда долзарб ҳисобланади;

Учинчидан, мавзунинг долзарблигини белгиловчи яна бир ҳолат - давлат ва ҳуқуқ назарияси ва юридик техника модуль фанларида ҳуқуқни қўллаш қўллаш ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг бир тури бўлган суд ҳужжатлари ўрганилади. Шу нуқтаи-назардан суд ҳужжатларини ҳам суд ҳокимияти фаолиятининг ҳуқуқий ифодаси сифатида ҳуқуқни қўллаш ҳужжати сифатида ҳуқуқий таҳлил этиш катта илмий -назарий аҳамиятга эга;

Тўртинчидан, юридик адабиётларда, жумладан миллий адабиётда 12.00.01 –давлат ва ҳуқуқ назарияси; ҳуқуқий таълимотлар тарихи ихтисослиги бўйичасуд ҳокимиятининг давлат механизмида тутган ўрнига махсус бағишланган тадқиқотлар камлигини, бундан ташқари, суд ҳокимиятига оид атамалар, тушунчалар ва таърифлар беришдатурлича қарашлар ва ёндашувлар борлигини эътиборга олган ҳолда, давлат ва ҳуқуқ назарияси фани нуқтаи-назаридан ушбу мавзунинг назариясини янада тўлдириш зарурати мавжуд. Шу боис, ишда “суд ҳокимияти”, “суд

функциялари” каби бир неча атамаларга муаллифлик таърифи берилди; Юқорида қайд этилган омиллар ушбу мавзунини танлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Мазкур тадқиқотнинг **объекти** бўлиб, давлат механизмида суд ҳокимиятининг тутган ўрни ва ролига оид ижтимоий муносабатлар мажмуи ҳисобланади. Тадқиқотнинг **предмети** бўлиб эса, давлат механизмида суд ҳокимиятининг тутган ўрни ва роли Ўзбекистоннинг бугунги кун воқеликлари ва янги қонунчилик ҳужжатлари асосида тизимли, мажмуавий тадқиқ этиш ва илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда ифодаланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мақсади – давлат механизмида суд ҳокимиятининг тутган ўрни ва ролини давлат ва ҳуқуқ назарияси фани нуқтаи-назаридан бугунги кун воқеликлари ва янги қонунчилик ҳужжатлари асосида тизимли, мажмуавий тадқиқ этиш ва илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Давлат механизмида суд ҳокимиятининг тутган ўрни ва ролини тадқиқ этиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, диссертацияда қуйидаги вазифалар қўйилди:

- суд ҳокимияти ва унинг тушуниш борасидаги энг янги илмий қарашларни умумлаштириш асосида ўз муаллифлик позициясини шакллантириш;
- суд ҳокимияти функцияларини, одил судлов олиб бориш тамойилларини таҳлил этиш ва шу асосда тегишли назарий хулосалар шакллантириш;
- давлат механизмида суд ҳокимиятининг бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатига оид илмий адабиётда мавжуд илмий қарашларни тизимли таҳлил этиш;

– суд ҳокимияти таркибига кирувчи суд органлари суд ҳужжатларининг ўзаро таъсири мувозанати масаласини тадқиқ этиш ва бу мувозанатни оптималлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

– адолатли ва асослантирилган суд ҳужжатлари – ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини кўтаришнинг муҳим омили эканлиги асосида ушбу масала юзасидан тегишли амалий, ҳуқуқий таклифларни илгари суриш.

Илмий янгилиги суд ҳокимиятининг давлат механизмида тутган ўрни ва роли давлат ва ҳуқуқ назарияси фани нуқтаи-назаридан бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган давлат-ҳуқуқий ислохотлар ва янги қонунчилик асосида тадқиқ этилаётганлигидадир.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

1. Мустақил нуфузли суд ҳокимиятини шакллантириш фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси эканлигини, шу боис давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги муносабатда мувозанатни таъминлаш масаласи – давлат ҳокимияти фаолияти самарадорлигини таъминлаш воситаси эканлигини асослаш;

2. Илмий адабиётларда суд ҳокимиятига оид атамалар, тушунчалар масаласида турли қарашлар мавжуд, шу боис, ишда шу пайтгача фан эришган ютуқлар асосида бир неча атамаларга, жумладан, “суд ҳокимияти”, “суд функциялари” каби атамаларга муаллифлик таърифи берилганлиги;

3. Суд ҳокимиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ташкилий-ҳуқуқий таклифлар ишлаб чиқилганлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколатини фуқаролар томонидан Конституциявий судга индивидуал шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқини тегишли қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйиш орқали кенгайтириш таклифининг асосланганлиги;

4. Ишда судларга оид қонунчиликни таҳлил этиш асосида, уни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилаётганлиги;

5. Суд ҳокимияти билан ижро этувчи ҳокимият ўртасида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қонунчиликка қўшимчалар тақлиф этилаётганлиги;

6. Бевосита судлар ва судьялар фаолиятининг самарадорлигини кўтаришга хизмат қилувчи ташилий тусдаги тақлифлар илгари сурилаётганлиги

7. Суд тизимини жаҳон андозалари даражасига яқинлаштиришга йўналтирилган амлий тақлифларнинг илгари сурилаётганлиги.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили).
Танланган мавзуга оид илмий ишларни, тадқиқотларни бир қанча гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида ҳокимиятлар бўлиниши принципи, ҳокимият тармоқларининг ўзаро муносабати, суд ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг умумҳуқуқий масалаларини таҳлил этган олимлар З.М.Исломов, Ҳ.Т.Одилқориев, Ф.Х.Раҳимов, А.Х.Саидов, С.М.Адилходжаева, Ф.Ф.Мухитдинова, О.Т.Ҳусановларнинг ишларини киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга фуқаровий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий йўналишда суд ҳокимиятининг у ёки бу жиҳатларига оид тадқиқотлар олиб борган Ғ.Абдумажидов, Қ.Р.Абдурасулова, З.Эсанова, М.Мамасиддиқов, П.А.Пўлатов, М.Ю.Рустамбоев, Г.Тўлаганова ва У.Тухташева каби олимларнинг ишларини киритиш мумкин¹.

¹Мухитдинова Ф.Ф. Судебно-правовая реформа в Узбекистане. Задачи, достижения, перспективы. Ташкент. 2008. YURISTMEDIAMARKAZI.168с.; Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. Т.: ТДЮИ. 2003. - 244 б.; Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. Т.: Ўзбекистон. 1994. - 192 б.; Муқимов З. Давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммолари. Самарқанд. СамДУ нашри. 2006.; Одилқориев Ҳ.Т. Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси ва Ўзбекистон давлат органлари тизимининг такомиллашуви // Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат. Т.: Адолат. 1995. - 230 б.; С.М. Адилходжаева. Совершенствование системы сдержек и противовесов: функциональное укрепление судебной системы// Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. UZBEK LAW REVIEW. Обзор законодательства Узбекистана. 2005. №1-2.; Саидов А.Х. "Парламент назорати назариясининг долзарб муаммолари"/"Фалсафа ва ҳуқуқ". 7 б.; Раҳимов Ф.Х. Теоретические и практические проблемы создания демократического правового государства в Республике Узбекистан. Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. Т.: 2001. 43 с.; Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т.: Ўзбекистон. 2001. - 382 б.; Судебная власть в Узбекистане: время реформ. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. 2002. – Тошкент: Адолат, - 367 с.; Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг "Суд ҳукми"

Учинчи гурухгасуд органлари фаолиятининг ҳуқуқий шакли бўлган суд ҳужжатларининг роли ва аҳамиятининг назарий-ҳуқуқий жиҳатларига оид жиноят процесси, фуқаролик процесси йўналишлари бўйича амалга оширилган муайян изланишлар мавжуд. Улар қаторига ю.ф.н. Б.Мустафоев, ю.ф.д. М.А.Ражабова, ю.ф.д., проф. Ш.Рўзиназаров ва тадқиқотчилар Н.Пулатова, А.Таджибаеванинг айрим ишларини киритиш мумкин¹.

Тўртинчи гурухга хорижда суд ҳокимиятининг бевосита давлат механизмида тутган ўрни, яъни давлат органлари тизимида суд органларининг бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабати, суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқлари билан ўзаро ҳамкорлигининг назарий – ҳуқуқий масалаларига бағишланган тадқиқотлар олиб борган олимлар қаторига Лебедев В.М., Я.Хабриева, И. Я. Фойницкий Ю.А. Дмитриев, Г. Черемних ва Н.А. Гагановаларнинг ишларини киритиш мумкин². Бундан ташқари ғарб олимларидан Генри Рич (Henry T. Reath) нинг **“Judicial Evaluation – the Counterpart to Merit Selection”** (Суд ҳокимияти эволюцияси: Мэритнинг танловига қарши)³, Питер Рассел (Peter H. Russell) нинг **“Constitutional Reform of the Judicial Branch: Symbolic vs. Operational Considerations”**⁴ (Суд ҳокимияти тармоғидаги конституциявий ислохотлар: рамзий таомиллар тезкор муҳокамага қарши) каби мақолаларида суд ҳокимиятининг мустақил ҳокимият тармоғи сифатида шаклланиш эволюцияси, бу жараёнда суд прецедентларининг ўрни, суд ҳокимияти соҳасидаги конституциявий ислохотларнинг моҳияти, суднинг

тўғрисидаги қарори. 2014 йил 23-майда қабул қилинган // Электрон манба: <http://cli.lex.uz/ld/irs/doc/2413562>.

¹Ражабова М.А. Ҳукм. Унинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлаш шартлари // Ҳаёт ва қонун. 2003, №4, Б. 9-11.; Рўзиназаров Ш. Суд қарори: тушунчаси ва моҳияти // Ҳо’jalik va huquq. 2004. №10. Б. 15-18.; Мустафоев Б. Суд қарори ижроси – адолат барқарорлиги омили // Huquq va burch. 2009. №4. Б. 6-9; “Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Суд ҳукми” тўғрисидаги қарори. 2014 йил 23-майда қабул қилинган // Электрон манба: <http://cli.lex.uz/ld/irs/doc/2413562>.

²Лебедев В.М. Судебная власть в современной России. Санкт-Петербург. Изд. «Лань». 2001. С. 36.

³Henry T. Reath. Judicial Evaluation - the Counterpart to Merit Selection // *American Bar Association Journal* Vol. 60, No. 10 (October 1974), pp. 1246-1248. <http://www.jstor.org>

⁴Peter H. Russell. “Constitutional Reform of the Judicial Branch: Symbolic vs. Operational Considerations” // *Canadian Journal of Political Science / Revue canadienne de science politique* Vol. 17, No. 2 (Jun., 1984), pp. 227-252. // <http://www.jstor.org>.

жамиятда тутган ўрнининг ортиб бориши жараёнлари таҳлил этилган. **Bruce Ackerman. (Брус Аскерман)нинг The New Separation of Powers** (“Ҳокимиятнинг янгича бўлиниши”) номли мақоласида ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг янгича талқини берилган бўлиб, унда демократиянинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, яъни легитимлаштириш, **давлат ҳокимиятида суднинг ўрнини кучайтириш**, назариядан амалиётга юз тутиш, масалаларни яқка ва биргаликда ҳал этиш, функцияларнинг ихтисослашуви, профессионализмни сиёсийлаштириш оқибатлари, фундаментал ҳуқуқлар муҳофазаси, либерализмнинг фаоллашуви каби масалалар таҳлил этилган бўлиб, унда давлат ҳокимияти бўлинишини Ғарбда янгича тушуниш борасида, ҳокимиятлар тизимида ижро ҳокимиятининг тутган ўрни масаласида муайян тасаввурлар бериши билан аҳамиятлидир¹.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Диссертация ишини тайёрлашда, унинг олдида қўйилган вазифаларни амалга оширишда умумилмий услублар бўлган, тизимлилик, мантиқийлик, анализ, синтез, функционал ёндашув, ҳамда соф юридик услублардан формал-юридик, қиёсий-ҳуқуқий каби услублардан фойдаланилди.

Шунингдек, ишнинг назарий-сиёсий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, суднинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда асосий орган эканлиги ҳақидаги фикрлари, амалий кўрсатмалари ҳамда мазкур мавзунинг у ёки бу томонларини тадқиқ этган миллий ва хориж илмий манбалари ташкил этди. Ишнинг норматив асосини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг судларга оид нормалари, судлар тўғрисидаги амалдаги қонунчилик ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида эришилган илмий хулосалар суд ҳокимияти фаолияти самарадорлигини оширишда ҳамда “Давлат ва ҳуқуқ

¹Bruce Ackerman. “The New Separation of Powers”// <http://www.jstor.org>.

назарияси”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар”, “Суд ҳужжатлари” каби каби ўқув курсларини ўқитишда фойдали бўлиши мумкин.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўққиз параграфни ўз ичига олган уч боб ҳамда хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ ВА СУД ҲОКИМИЯТИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК: НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛ

1.1. Давлат механизми ва унинг таркибий элементлари

Давлат механизми ва унинг таркибий элементлари давлатнинг институтционал элементидир. Ташкилот сифатида давлат ҳақида турли маънода гапириш мумкин. Кенг маънода гапирадиган бўлсак, давлат – муайян мамлакат аҳолисини тўла қамраб оладиган иерархик ташкилотдир. Бундай ташкилот ўзининг «оддий аъзолари» - фуқаролари билан бир каторда, ташкилотга раҳбарликни амалга оширадиган ўзининг «аппарат»ига ҳам эга бўлади. Бу ерда аппарат мазкур ташкилот бошқаруви, ташкилот ишларини юритиш билан шуғулланувчи мансабдор шахслар ёки бошқарув органларининг йиғиндиси, мажмуини англатади. Бундан анлашиладики, ташкилот аппарати тор маънодаги ташкилот бўлиб, ўзидан анча кенг ва катта бўлган ташкилотда бошқарувчилик билан шуғулланади, ўша ташкилот ишларини юритади.

Бинобарин, давлат, умуман олганда, уч унсур: 1) давлат аҳолиси (миллат, халқ); 2) давлат ҳудуди ва 3) давлат ҳокимияти, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, тегишлича, субстанционал, ҳудудий ва институтционал элементларни мужассамлаштирган ташкилотдир¹. Мантиқ қоидалари талабларига кўра, давлат механизмида суд ҳокимияти органларининг тутган ўрнини таҳлил этиш учун, даставвал, “давлат механизми” категориясини мазмун-моҳиятини англаб олишимиз керак.

Давлатнинг институтционал элементини таърифлаш учун фанда, амалиётда ҳам, «давлат ҳокимияти аппарати» ёки «давлат аппарати» ҳамда «давлат ҳокимиятининг механизми» ёки «давлат механизми» тушунчалари қўлланилади.

¹Қаранг: Проблемы общей теории права и государства. Под общ. ред. В.С.Нерсисянца, Норма-Инфра-М, М., 2010. С. 541-564.

Давлат аппаратини, одатда, давлат ҳокимияти ва функцияларини амалга оширадиган, давлат олдида турган вазифаларни бажарадиган органлар тизими сифатида таърифлайдилар¹. Шу билан бирга, фанда давлат аппарати тушунчасини давлат механизми тушунчаси билан тенглаштирилиши ҳоллари билан бир қаторда, фанда «давлат механизми» тушунчаси «давлат аппарати» тушунчасига нисбатан кенгроқ маънога эгаллиги хусусидаги нуқтаи назар ҳам мавжуд. Хусусан, давлат аппаратининг субъектив таркиби давлат ҳокимияти органлари тизиминигина англатса (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд), давлат ҳокимияти механизми тушунчаси ўз доирасига нафақат юқоридаги давлат органларини, балки кучга эга бўлган органларни ҳам, мажбурлов аппаратини ҳам, давлат ҳокимиятининг моддий воситаларини ҳам, давлат муассасаларини ҳам қамраб олади.

Давлат механизми – давлат органлари ва муассасаларининг давлат ҳукмини, давлат вазифалари ва функцияларини амалга оширувчи яхлит иерархик тизимдир².

Келтирилган тавсиф давлат механизмига хос бўлган қуйидаги хусусиятларни белгилаб олиш имконини беради:

1) У давлат органлари ва муассасаларининг яхлит, бир бутун иерархик тизимидир. Унинг яхлитлиги давлат органлари ва муассасалари тамойиларининг вазифалари ва мақсадларининг ягоналиги билан таъминланади.

2) Давлат хизматчилари фаолият кўрсатаётган давлат органлари ва муассасалари механизмнинг дастлабки таркибий қисмидир. Давлат органлари субординация ва мувофиқлаштириш асослари билан ўзаро боғлиқдир.

3) Давлат ҳукмининг таъминланиши учун у ҳар бир даврнинг техник даражасидаги мажбурлаш қурол (муассаса) ларига – қуролланган

¹Қаранг: Теория государства и права: Курс лекций / Под. ред. М.Н.Марченко. М.: 2014. С. 113.

² Теория государства и права. Авт. кол. Норма-Инфра-М. М., 2010. 153-160-стр.

отрядлар, камоқ ва шу кабиларга эга бўлади. Бирон бир давлат уларсиз фаолият юрита олмайди.

4) Механизм ёрдамида ҳукмронлик амалга оширилади ва давлат вазибалари ижро этилади¹.

Давлат механизми — давлат ҳокимияти амалга ошириладиган, жамиятга давлат раҳбарлигини таъминловчи давлат ташкилотлари тизимидан иборат². Агар биз давлат механизмнинг энг умумий характери белгиларини номма-ном келтирадиган бўлсак, юқоридаги даъвонинг нақадар тўғрилиги янада яққол кўзга ташланади. Бу белгилар куйидагилардан иборатдир:

— давлат механизми бошқарув билан махсус шуғулланувчи кишилардан иборатдир;

— давлат механизми идоралар ва муассасаларнинг мураккаб тизимидан иборат бўлиб, улар бевосита ҳокимиятга дахлдор функцияларни адо этади ҳамда ўзаро мустаҳкам алоқада бўлади;

— давлат маҳкамаси барча бўғинлари фаолияти ташкилий ва молиявий воситалар билан, зарур ҳолларда эса, мажбурий таъсир йўли билан ҳам таъминланади;

— давлат механизми ўз фуқароларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ишончли тарзда қафолатлаш ва муҳофаза қилишга даъват этилган. Лекин бунда мазкур механизм самарадорлиги давлат ҳокимиятига нисбатан бирламчи бўлган эркинликнинг муайян мезони ҳуқуқи-талаблари билан чеклаб қўйилган, бу эса, ҳозирги замон ҳуқуқий давлати фақат расмийт учунгина қонунийликни таъминлаб қолмай, балки адолатни ҳам қарор топтириши даркор, яъни «инсон-давлат» муносабатларида устиворлик инсонга тааллуқли бўлиши зарур.

Давлатнинг ягона ва яхлит механизми таркибий қисмлари органлар, ёрдамчи тузилмаларга ажратилади. Улар ўртасида ўзига хос иерархия

¹Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Муаллифлар жамоаси. Т.: ТДЮИ. — 2000.— Б.194.

²Лазарев В.В. «Общая теория государства и права» - М., Юрист, 2010.

мавжуд: давлат механизмида турли органлар ватузилмалар турлича урин эгаллайди, улар ўзаро субординация ва мувофиқлаштиришнинг мураккаб муносабатларига киришади.

Давлат механизми таркиби турли шароитларда ўзгарувчан ва турлича бўлшига қарамай, ҳар қандай шароитда ҳам унинг таркибига бошқарув ва мажбурлов органлари кириб боради. Бу дегани давлат механизмининг бир қисми фақат бошқариш билан, иккинчи қисми эса фақатгина мажбурловни амалга оширади дегани эмас, албатта. Амалда бошқарув ва мажбурлаш вазифалари бир-бирига қўшилиб кетади, бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, бир-бирини таъминлаш мақсадида ҳаракат қилади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, давлат механизми давлат аппарати тушунчасидан кенгроқ бўлиб, давлат аппаратини ҳам ўз ичига қамраб олади. Ўз навбатида давлат аппарати давлат ҳокимиятини амалга ошириш учун ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат органлари мажмуидан иборат. Давлат механизми давлат аппаратидан ташқари давлат муассасалари ва давлат корхоналарини ҳам ўз ичига олади.

Давлат органи – бу муайян ваколатларга (ўз компетенциясига) эга бўлган, давлат маҳкамасининг асосий элементидир. Давлат органи компетенцияси давлат фаолиятининг муайян соҳасида ҳуқуқ билан белгилаб берилган ваколатлар йиғиндисини англатади. Давлат органи ўз компетенциясини амалга ошириши шарт. Шу билан бирга давлат органлари амалга оширилиш мажбурий бўлмаган ваколатларга ҳам эга бўлади. Бундай ваколатларга мисол сифатида олий давлат органларининг қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини келтириб ўтса бўлади. Давлат органлари ўз компетенцияси доирасидан сал бўлса ҳам четга чиқишими қатъиян мумкин эмас. Уларнинг фаолияти «ҳуқуқ билан тўғридан-тўғри рухсат этилмаган барча нарса тақиқланади» деган тамойил

асосида ташкил этилади¹. Ҳар бир давлат органи – таркибий алоҳида бўғин бўлиб, давлат механизмининг нисбатан мустақилқисми бўлиб, у қуйидаги белгиларга эга:

- давлат номидан муайян соҳада унинг вазифаларини ва бурчини амалга оширади;
- ҳокимият ваколатларига эга бўлиб, шу билан давлат муассасалари ва корхоналаридан фарқ қилади;
- муайян мақомга, яъни муайян вазифалар, бурчлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга;
- хизмат турлари ва таркиб миқдорига боғлиқ ҳолда муайян таркибдан иборат;
- фаолиятининг ҳудудий кўламларига эга;
- қонунда белгиланган тартибда ташкил этилади ва ш.к.

Давлатнинг идоралари фаолиятибевосита сиёсий ваколатлангандир, унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, тегишли идора ва муассасалар учун бажарилиши мажбурий бўлган юридик ҳужжатларни чиқара олади; мазкур ҳужжатлар бажарилишини таъминлаш мақсадида ишонтириш, мажбурлов, тарбиялаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини қўллайди, уларнинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатади.

1.2. Давлат механизмидаги суд органлари тутган ўрни хусусиятлари

Суд ҳокимияти алоҳида, ўз табиати бўйича қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан моҳиятан фарқ қилувчи ҳокимиятнинг тармоғидир. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан бир қаторда суд ҳокимиятининг мавжуд бўлиши демократик давлатнинг зарурий шартидир. Суд ҳокимиятининг бошқа давлат тузилмаларидан ажратилиши давлатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, қонун

¹Қаранг: Проблемы общей теории права и государства. Под общ.ред. В.С.Нерсисянца. Норма-Инфра-М, М., 2010. С. 567.

устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижаси ифодасидир.

Одатда, давлат-ҳуқуқий механизм ҳақида гапирганда, гап ҳокимият тармоқларининг классик учлигига бориб тақалади. Қонун чиқарувчи органлар барчага мажбурий бўлган қонунлар қабул қилади, ижро органларни қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этиб боради, суд эса қонунларни бузганлик ёки бажармаганлик учун жазолайди. Шундай қилиб, суд – бу давлат томонидан ўрнатилган умумажбурий қоидаларни бузганлик учун давлат санкцияларини қўлловчи ва жазо тайинловчи органдир.

Суд ҳокимиятининг асосий мақсади – жамият аъзоларини фуқароларнинг, давлатнинг, унинг органлари ва мансабдор шахсларининг ҳар қандай ҳилоф ҳаракатларидан ҳимоя қилишдир. Қайсики давлатда бундай фаолият йўлга қўйилмаган бўлса, бу давлат ҳуқуқий бўлмайди.

Қонун чиқарувчи ҳокимият парламент ёки бошқача бир вакиллик органлари томонидан, ижро ҳокимияти – ҳукумат томонидан амалга оширилса, суд ҳокимияти ягона бир суд томонидан эмас, балки бундай судларнинг тизими мажмуи томонидан амалга оширилади.

Суд ҳокимиятини амалга ошириш ваколати фақатгина махсус таъсис этиладиган давлат органлари – судларга топширилади. Бу органлар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлардан фарқ қилади. Булар ўртасидаги фарқлар нафақат судлов ваколатларининг ўзига хослигида, балки судларни ташкил этиш тартибида ҳам намоён бўлади. Улар томонидан амалга ошириладиган функциялар хусусиятлари судлар махсус қоида-тартибларга риоя этган ҳолда ташкил этилиши ва фаолият олиб боришини талаб этади.

Бу ердашунини таъкидлаб ўтиш кифоя қилади-ки, ҳозирги кунда барча судлар қонун билан белгилаб берилган жараён орқали ташкил этилади. Бу жараёнда судларнинг юритувига доир бўлган ишларни ҳалол ва адолатли,

профессионал даражада ҳал қилишга қодир бўлган судьялар танлаб, саралаб олинади.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар органларини ташкил этиш борасида эса қонун батафсил, деталли қоидаларни белгиламайди. Бошқача қилиб айтсак, парламент депутатлигига номзодларга қўйиладиган талаблар судлов мансабига номзодларга қўйиладиган талабларга қараганда бирмунча енгилроқ бўлади. Ижро ҳокимиятидаги у ёки бу (хатто юқори) мансабларга номзодларга ҳам қонун қатъий, кескин талабларни қўймайди. Судьялардан эса тайёргарликнинг юқори даражаси, компетентлилик талаб этилади. Боиси судлов хатолари конкрет одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий, гоҳида эса қайтариб бўлмас оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Аксарият конституциялар судларни санаб ўтиб уларни ташкил этиш ёки шакллантириш тартибларини мустаҳкамлайди. Аммо, нима бўлганда ҳам уларнинг барчаси учун фаолият юритишида амал қиладиган тамойилларнинг бир-хил йиғиндиси хос бўлади. Бундай принциплар сирасига қуйидагилар киради:

- суднинг мустақиллиги – одатда бу тамойил бир қатор кафолатлар, шу билан бирга, кўпинча судьяларнинг алмаштирмаслиги билан таъминланади;

- аксарият ишларни кўриб чиқишда коллегиялик;
- судьяларнинг профессионализми;
- қабул қилинган қарорлар устидан шикоят қилиш мумкинлиги;
- мутлақ кўпчилик ишларни кўриб чиқишдаги ошкоралик.

Судларнинг низоларни, бахс-мунозараларни ҳал этиш, айбдор шахсларга нисбатан қонунларни қўллаш бўйича фаолияти одил судлов (одил судловни амалга ошириш) дейилади. Бошқача қилиб айтсак, суд томонидан қонунларнинг амалга оширилиши, судлов фаолияти – бу одил судловдир. Одил судлов – бу суд фаолиятининг мустақил суд томонидан ташқи факторлар таъсирсиз тўғри ва адолатли, яъни судлов

ваколатларини виждонан, қонунга мувофиқ равишда амалга оширилишдир.

Судлов органларининг ташкил этилишида яна бир муҳим нуқта бўлиб, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳам ташқаридан, ҳам ичидан (юқори турувчи инстанциялар ва суд раҳбарияти томонидан) бўладиган таъсирлардан чегаралаш ҳисобланади. Буни биз қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларда кўрмаймиз. Айниқса ижро органларида субординация, куйи турувчиларнинг юқори турувчиларга бўйсинуви, раҳбарият кўрсатмаларининг мажбурийлиги нормал, одатий ҳол ҳисобланади. Шу билан бирга, қонун чиқарувчиларни ташқи таъсирлардан чегаралаш бўйича ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрилмайди, чунки буни таъминлашнинг ўзи иложи бўлмайди. Қонун чиқарувчилик фаолияти билан шуғулланувчилар ўз фаолиятида ташқи факторлардан келиб чиқиши, ижтимоий ва сиёсий кучлар (партиялар, жамоат бирлашмалари ва ҳ.) талабларини ҳисобга олиши лозим.

Бу бир томондан суд ҳокимияти, иккинчи томондан қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти, уларнинг органлари ўртасида ўтиб бўлмас жарлик мавжуд дегани эмас, албатта. Улар қанчалик бир-биридан ажратилган бўлишига қарамай, бир-бири билан боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тийиб туради. Масалан, қонун чиқарувчи ҳокимият органлари қонунларни қабул қилади ва бу қонунлар барча учун, шу жумладан судлар учун ҳам мажбурийдир, судларни молиялаштириш, судьялар ва бошқа суд ходимларининг иш ҳақи масаласини ҳал қилади. Судлов ҳокимияти органлари эса ўз навбатида, ўз ваколатлари доирасида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар фаолияти мазмунига таъсир этиши мумкин. Судлар, мисол учун, қонунни конституцияга ҳилоф, ижро ҳокимияти органининг қарорини эса - қонунга ҳилоф деб топиши мумкин. Бу эса ўз навбатида қонунни амалиётда тўхтатиб қўяди, тегишли органларни қонунга ҳилоф

қарорни бажармасликка мажбур қилади, масалани янгитдан ёки қайта кўриб чиқилишига олиб келади¹.

Судлов ҳокимиятининг органи сифатида суднинг яна бир хусусияти шунда намоён бўладики, унинг фаолияти учун махсус қоидалар, тартиботлар ўрнатилган бўлади. Бу қоида-тартиботлар умуминсоний тажрибадан келиб чиққан ҳолда, судда ишларнинг кўриб чиқилишни катъиян тартибга солади. Буларнинг асосий мақсади бўлиб, қонуний, асосланган ва адолатли қарор қабул қилинишини таъминлаш ҳисобланади. Ўрнатилган бундай тартиботлар ичида энг асосий ўринни ошкоралик, коллегиялик (айрим истиснолар билан), қарор чиқарилишида халқ вакилларининг иштирок этиши имкони, ишда қатнашаётган томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва бошқа шу қабила эгаллайди. Тўғри, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар фаолиятини ҳам тартибга солувчи махсус қоида-тартиботлар (регламентлар, у ёки бу қарор қабул қилиш қоидалари) мавжуд, лекин улар судлов тартибларидан фарқли ўлароқ бу қадар батафсил ва кўптомонламалик характериға эға эмас.

Ҳозирги даврга келиб, судлов ҳокимиятини амалға ошириш жараёнларининг бир қанча вариантлари шаклланган бўлиб, улар судловни амалға ошириш шакллари ташкил этади. Буларға қуйидагилар тааллуқлидир:

- 1) конституциявий судлов;
- 2) фуқаролик ишлари бўйича судлов;
- 3) хўжалик ишлари бўйича судлов;
- 4) жиноий ишлар бўйича судлов;
- 5) маъмурий ишлар бўйича судлов.

Бошқа илмий адабиётларда¹ судларнинг **умумий, маъмурий** ва **конституциявий** юрисдикция судларига бўлиниши тўғрисида айтиб

¹ Хорижий мамлакатлардаги одил судлов ҳақида қаранг: Правосудие в современном мире. Под. ред. В.М.Лебедева, Т.Я.Хабриева. М., 2011.709с.; А.А.Рязин. Принципы организации и функционирования судебной власти в зарубежных странах // Современное право /Международное и зарубежное право. 2014, №-2. -С.114-119.

ўтилган. Бунда умумий юрисдикция судлари расман тенг бўлган субъектлар ўртасида келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқади. Буларга хусусий шахслар ўртасида вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий низолар ҳамда жиноий ишлар киради. Жиноий ишларда расман тенг томонлар сифатида, бир томондан, айбланувчи (судланувчи), иккинчи томондан эса жамият (халқ) майдонга чиқади. Бу ерда судлов бевосита жамият томонидан эмас, балки унинг номидан ҳаракат қиладиган махсус давлат органи томонидан амалга оширилади.

Маъмурий юрисдикция судлари хусусий шахслар билан ҳукумат-маъмурий органлар ўртасида улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ёки ноқонунийли юзасидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқади.

Конституциявий юрисдикция судлари эса фуқаро билан қонун чиқарувчи ўртасида, қабул қилинган қонуннинг конституциявийлиги бўйича низоларни ҳал қилади. Суд томонидан конституцияга ҳилоф (конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни бузувчи) деб топилган қонун тўла ёки қисман тўхтатилади. Эътиборли томони шундаки, бунда қонун суднинг қарори билан бекор бўлади, яъни уни қабул қилган қонун чиқарувчи томонидан бекор қилиниши талаб этилмайди.

Одатда, ҳар бир судлов шакли батафсил қонунчилик акти билан тартибга солинади. Масалан, Ўзбекистонда, тегишлича, Конституциявий суд тўғрисида Қонун, Фуқаролик-процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодеси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекслар амал қилади.

Суд ҳокимияти ўзининг асосий иккита функциясига эга. Улардан бири давлат томонидан ўрнатилган қоидаларни бузганлик учун жазолаш бўлса, иккинчи функцияси, бу функция тўғрисида совет ҳокимияти даврида умуман гапирилмаган, - давлат билан фуқаро ўртасидаги низо ва

¹ Қаранг: Проблемы общей теории права и государства. Под. общ. ред. В.С.Нерсисянца, Норма-Инфра-М, М.,2010. С. 587.

зиддиятларни кўриб чиқиш функциясидир. Ҳақиқий мустақил ва адолатли суд нафақат ҳамжамият (давлат) аъзоларини жиноий шахслар тажовузларидан ҳимоя қилиши керак, балки алоҳида фуқароларни ҳам давлат органларининг эҳтимолли суистеъмолликларидан ҳимоя қилиши лозим. Суд ҳокимиятининг булардан ташқари яна қатор шунга ўхшаш функциялари мавжуд бўлиб, булар тўғрисида биз батафсил кейинги бобларимизда тўхталиб ўтамиз.

1.3. Суд ҳокимиятини тушуниш масалалари

Суд ҳокимиятининг фаолият мазмун-моҳияти жамиятда нафақат адолатни таъминлаш, балки қонун устуворлигини, ҳуқуқ ҳукмронлигини таъминлашдан иборатдир. «Суд ҳокимияти ҳуқуқий низоларни ҳал қилади, муайян вазиятларда муайян субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди»¹.

Аксарият одамлар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларга караганда суд ҳокимияти тўғрисида тўлиқроқ таасуротга эгадирлар. Гарчи шундай бўлса-да, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, юридик адабиётларда кўриб чиқиладиган ҳокимият тушунчаси борасида яқдиллик кўзга ташланмайди. Процессуалчи олимлар суд ҳокимияти «қонунга бўйсундирилган ва суд ишларини юритиш тартибида қонунни қўллашга даъват этилган органлар тизимини ташкил қилади. Бошқача ёндошув вакиллари суд ҳокимиятини суд ишларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият сифатида тушунадилар»².

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми «суд ҳокимияти»га берган таърифи эътиборга лойиқдир. Унда шундай дейилади: «Суд ҳокимияти – бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий

¹ Исламов З.М. Общество. Государство. Право. (Вопросы теории) – Т., 2001. С. 266.

² Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. – Т., 2002. Б. 14.

ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатидир»¹. Бу таъриф содда ва тушунарли бўлишига қарамай, унда аксарият мамлакатларда суд ҳокимиятига тегишли, муҳим функция бўлмиш, конституциявий назоратни амалга ошириш вазифаси ўз ифодасини топмаган².

Яна бир таърифга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Бошқа бир адабиётда суд ҳокимиятига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми берган таърифга ўхшашроқ таъриф берилган. Унда айтилишича: «Суд ҳокимияти – ҳокимиятлар бўлиниши назариясига мувофиқ оммавий ҳокимиятнинг мустақил соҳаси. Жиноий, фуқаролик, маъмурий ва конституциявий ишлар (низолар) ни, яъни одил судловни процессуал қонунчилик билан назарда тутилган тартибда амалга ошириш, айрим ҳолларда эса ҳуқуқ нормаларини мажбурий шарҳлаш ваколатлари мажмуини ифодалайди»³. Бу таъриф суд ҳокимиятининг барча функцияларини акс эттира олмаган – судловнинг яна бир муҳим функцияси хўжалик ишлари (низолари) ни кўриб ҳал этиш функцияси олимларнинг назаридан четдан қолган. Совет давридаги юридик адабиётда суд ҳокимиятини «давлатнинг одил судловни амалга оширувчи суд органлари тизими» деб тушуниш мавжуд бўлган. «Суд ҳокимияти ҳуқуққа асосланади ҳамда суднинг аралашувини талаб қиладиган ва жамиятда юзага келадиган муайян вазиятларни ҳал қилиш учун ҳуқуқни қўллаш воситаси бўлиб хизмат қилади»⁴.

Юридик адабиётда суд ҳокимиятига бўлган турли хил ёндошувлар норматив-ҳуқуқий амалиётнинг ҳозирги замон даражасига қўйиладиган талабларга жавоб бериши зарур. Шу боис суд ҳокимияти тушунчасига унинг қарор топиши, функциялари, фаолият шакллари ва принциплари

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991-1997 й.й.) – Т., 1997. Б. 5-6.

² Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. – Т., 2002. Б. 15.; “Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг “Суд ҳукми” тўғрисидаги қарори. 2014 йил 23-майда қабул қилинган // Электрон манба: <http://cli.lex.uz/ld/irs/doc/2413562>.

³ Румянцев О.Г., Додонов В.Н. Юридический энциклопедический словарь. – М.: Инфра-М, 1997. С.301.

⁴ Д. Эргешева. «Суд ҳокимияти тушунчаси ва мазмуни». Ҳуқуқ. Право Law. Т.: ИИВ нашри, 2003, 4-сон. Б. 49.

нуқтаи назаридан эмас, балки унинг моҳияти ва фаолият мазмуни, жамиятдаги ижтимоий вазифаси ва ўрни жиҳатидан умумий илмий таъриф бериш зарурияти юзага келади.

Ушбу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда суд ҳокимияти тушунчасини таҳлил қилган пайтда унинг икки асосий жиҳатини эътиборга олишимиз зарур: **биринчиси**, давлатнинг суд тизимини ташкил этган судлар томонидан амалга оширилиши ва уларга давлат томонидан берилган ўзларигагина хос бўлган ижтимоий жараёнларга таъсир этиш қобилиятлари ва имкониятлари; **иккинчиси**, уларни бир-бири билан узвий алоқада бўлиши. Шу сабабли, суд ҳокимиятини давлат муассасаси сифатида айнан суд органига ёки суд идораларида ишловчи мансабдор шахслар – судьяларга тенглаштириш жиддий хато ҳисобланади¹.

Судларнинг фаолияти ижтимоий адолатни, тинчлик ва тотувликни, аҳолининг фаровонлигини таъминлашга, ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни, бошқача қилиб айтсак ҳуқуқ ҳукмронлигинимустаҳкамлашга қаратилган. Бу борада Хусанов О.Т. шундай дейди: «Судлар инсон ҳуқуқларининг ишончли ва самарали кафолати воситасидир»². Айнан одил судлов ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг охирги чегараси сифатида мустақил бўлиши, шунга кўра уни амалга оширувчилар ҳам ҳеч кимга боғлиқ бўлмасликлари керак. Шунинг учун суд ҳокимиятининг мустақиллиги – одил судлов ва уни амалга оширувчиларнинг мустақиллигининг муҳим омили ва шартидир³.

Юридик фанда, ҳозирги кунга келиб, суд ҳокимиятининг мазмунини булгилаб берувчи икки ёндошув кўзга ташланади. Биринчи йўналишда фикр юритувчи россиялик олим И.Я. Фойницкий фикрича суд ҳокимияти «суд муҳокамаси тартибида қонунларни қўллашга даъват этилган, қонунга

¹ Д. Эргешева. «Суд ҳокимияти тушунчаси ва мазмуни». Ҳуқуқ. Право Law. Т.: ИИВ нашри, 2003, 4-сон. -Б. 49.

² Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси Давлат органлари. Т.: Шарқ. 1996. Б. 71.

³ Қаранг: Лебедев В.М. Судебная власть в современной России. Санкт-Петербург. Изд. «Лань». 2001. С. 36.

бўйсунадиган органлар тизимини ташкил қилади»¹. Унинг фикрига Ю.А.Дмитриев билан Г.Черемнихлар қўшилиб, «қонунларда белгилаб қўйилган ҳақиқатни аниқлаш, адолатни тиклаш ва айбдорларни жазолашга қаратилган ҳокимият ваколатларига эга бўлган ҳамда қарорлари мутасадди шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган давлат ва муниципал органлар тизими» сифатида суд ҳокимиятини баҳолайдилар².

Иккинчи ёндошув вакиллари суд ҳокимиятини суд ишларини кўриш фаолияти сифатида тушунадилар.

Юқоридаги иккала ёндошув тарафдорлари томонидан илгари сурилган суд ҳокимияти тушунчасида иккита муҳим жиҳат кўзга ташланади. Биринчиси – мазмунан бўлиб, унга биноан суд ҳокимияти – жамиятдаги низоларни махсус ўрнатилган процессдан фойдаланган ҳолда ҳал қилишдаги ваколат сифатида баҳоланади. Иккинчиси – ташкилий бўлиб, бу ваколатларнинг фақатгина судларга тегишли эканлиги билан баҳоланади. Бу иккала жиҳатни қарама қарши қўйиш мантиқсизлик бўларди.

«Суд оддийгина ҳуқуқни қўриқловчи орган эмас. У ҳокимиятнинг тўлақонли субъекти. Суд – адолат, адлия элтувчидир. Суд – инсоният ақлининг бутун цивилизация тарихи давомида эришган энг буюк ютуғидир. Суд - қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашнинг ўта нозик сайқал топган, энг такомилга етган воситаси (механизми) дир»³.

Юқоридаги гаплардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, суд нафақат ҳозирги кунда, балки барча даврларда ҳам давлат ҳокимиятининг зарурий, муҳим қисми, тармоғи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам.

Суд ҳокимиятининг мақоми қуйидаги масалаларни қамраб олади:

1) қонунийлик муҳофаза этиш соҳасида суд ҳокимиятининг устунлиги ва олийлиги;

¹ Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства. Т.1. – СПб, 2006. С. 158.

² Каранг: Дмитриев Ю.А., Черемних Г.Г. Судебная власть в механизме разделения властей и защите прав и свобод человека // Государство и право. М., 1997. С. 48.

³ Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. Б. 79.

- 2) судларнинг тузилиши принциплари ва судьяларнинг мақоми;
- 3) демократик одил судлов асослари – судларнинг фаолият принциплари;
- 4) одил судлов соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари.

Суд ҳокимиятига қуйидагилар хосдир:

- судлов фаолияти давлат номидан амалга оширилади;
- судлов махсус тартибда ташкил топган (сайланган ёки тайинланган) судлар томонидан амалга оширилади;
- судлар ўз фаолиятида фақат қонунга бўйсундилар ҳамда фуқаролик, маъмурий, жиноий ва хўжалик ҳамда конституциявийишларини қонунда белгиланган процессуал тартибда ҳал этади;
- судлар бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил фаолият юритадилар;
- суд ўз ваколатлари доирасида ягонадир, яъни давлатнинг бошқа ҳеч қайси идораси судлов функцияларини ўз зиммасига ололмайди;
- судлов мажбурлов ваколатларини давлат номидан амалга оширадилар;
- суд ҳокимияти тўла қонли ва қатъий ҳокимиятдир, бошқача қилиб айтганда унинг қонуний асосларда қабул қилинган қарори (ҳукми) барча учун (ҳатто давлат учун ҳам) мажбурийдир.

Хулоса қилиб айтганда, суд ҳокимияти – бу давлатнинг суд тизими таркибига кирувчи ва муайян давлат ваколатларига эга бўлган судлар томонидан жамият ҳаётининг ҳуқуқ билан тартибга солинган исталган соҳасида ҳуқуқ субъектлари ўртасида юзага келувчи ҳуқуқий низоларни кўриб ҳал этиш орқали уларнинг хулқ-атвориға таъсир этиш, жамиятда ҳуқуқий муҳитнишакллантириш ҳамда ҳокимиятнинг бошқа икки тармоғининг қарорлари ва ҳатти-ҳаракатларига фаол таъсир этиш орқали уларнинг мувозанатини таъминлашга ва жамиятда ҳуқуқ ҳукмронлигини

тасдиқланишга қаратилган давлат ҳокимиятининг алоҳида, мустақил ва холис тармоғидир¹. Шу ўринда юқоридаги таърифлар асосида муаллифлик таърифини беришга ҳаракат қиламан: ”Суд ҳокимияти –бу амалдаги қонунчилик нормалари асосида қонунларнинг конституциявийлиги, давлат ва фуқаро, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида ҳуқуқий низоларни ҳал этадиган ҳамда фуқароларнинг давлат органлари билан бўладиган ўзаро муносабатида, жиноятларни тергов қилишда ва оператив-тезкор фаолият олиб боришда фуқаролар ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан назорат олиб борадиган ва юридика ҳамиятга эга бўлган юридик ҳужжатлар қабул қиладиган давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил тармоғидир”.

I боб бўйича хулоса

1. Суд ҳокимиятининг давлат механизмида тутган ўрнини аниқлаш давлат ҳокимиятининг ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида бўлиниши ҳамда бу принципнинг мағзини ташкил этадиган ҳокимият тармоқларининг “бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаб туриш” механизмининг самараси орқали аниқланади. Бошқача қилиб айтганда, суд органлари тизими ҳокимият тармоғи бўлиши учун у бошқа тармоқларига таъсир этадиган, зарур ҳолларда, уларни “тийиб” турадиган ваколатларга эга бўлиши керак;

2. Бугунги кунда, амалдаги қонунчиликка кўра, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга таъсир этиши ва зарур ҳолларда уларни мувозанатда ушлашининг ҳуқуқий асослари мавжуд (Конституциявий суднинг тегишли ваколатлари, умумий юрисдикция ва хўжалик судларининг давлат бошқаруви органларининг қарорларини ноқонуний деб ҳисоблаб, ҳаракатини тўхтатиб туриш ваколатлари). Шу билан бирга ушбу суд назоратини янада такомиллаштириш зарурати мавжуд;

¹ Д. Эргешева. «Суд ҳокимияти тушунчаси ва мазмуни». Ҳуқуқ. Право Law. Т.: ИИВ нашри, 2003, 4-сон. -Б. 49.; “Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Суд ҳукми” тўғрисидаги қарори. 2014 йил 23-майда қабул қилинган // Электрон манба: <http://cli.lex.uz/ld/irs/doc/2413562>.

3. Илмий асарларда, суд пленуми қарорларида суд ҳокимиятига берилган таърифлар бор бўлса-да, ҳозирги кунда суднинг жамиятда тутган ўрни, нуфузи ортиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда, унга бугунги воқеликлар асосида таъриф бериш зарур;

II БОБ. СУД ҲОКИМИЯТИ: ТИЗИМЛИ ВА ФУНКЦИОНАЛ ЁНДАШУВ

2.1. Суд ҳокимиятининг тизими ва тузилмаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXII- боби суд ҳокимиятига бағишланган бўлиб, унда суд ҳокимиятининг моҳияти, унинг шаклланиши ва фаолият юритишига доир энг муҳим ва асосий қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Бугунги кунга келиб, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи бўлиб шаклланиб, у ҳокимиятнинг мустақил бир тармоғи сифатида фаолият олиб бормоқда. Мустақилликгача бўлган даврда судларнинг қатағончилик функцияси асосий ўрин эгаллаган бўлиб, суд амалда жазоловчи, қатағон билан шуғулланувчи давлат аппаратининг бир бўғини эди ҳолос; унинг ҳуқуқни муҳофаза этувчилик функцияси тўғрисида ҳеч қандай гап йўқ эди. Мустақилликнинг эълон қилиниши билан, ёш давлатимизнинг Конституциясида суд ўзининг мустақил ва алоҳида давлат ҳокимиятининг тармоғи сифатида ўзининг аниқ-тиниқ ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида давлат ҳокимияти алоҳида ва бир-биридан мустақил фаолият олиб боровчи учта ҳокимият тармоғига бўлиниши мустаҳкамлаб қўйилди.

Суд ҳокимияти – ҳокимиятнинг алоҳида бир шакли бўлиб, ўз табиати бўйича қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тизимларидан тубдан фарқ қилади. Демократик давлатни барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қандай давлатда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари билан бирга суд ҳокимияти тармоғининг мавжуд бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106 -моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда фаолият юритиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида суд ҳокимиятига махсус боб бағишланган бўлиб, бу бобда суд ҳокимияти тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти суд тизимининг ташкил этилишидан тортиб, унинг фаолият кўрсатиш принципларини камраб олган қатор қоидалар орқали очиқ берилади.

Суд ҳокимиятининг мазмуни, жамиятдаги роли ва вазифасини умумэтироф этилган тушунишдан келиб чиқиб, суд ҳокимияти, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи бўла туриб, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш давлат функциясини амалга оширади деса бўлади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари нафақат қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг фаолият мазмунини, балки суд ҳокимияти фаолиятининг ҳам мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси суд тизими олдида улкан масала – давлат органларини инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишини таъминлаш, мавҳум ҳуқуқий меъерларни реал ҳуқуқ ва мажбуриятларга айлантириш, инсон олдидаги давлат мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш масаласи турибди.

Хўш, Ўзбекистонда суд ҳокимияти тизими қандай ташкил этилган?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида» ги (янги таҳрири) қонуни (2000 йил 14 декабрда қабул қилинган) нинг 1-моддасида ҳам суд тизими мустақамланган: Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари фаолият кўрсатадилар.

«Судебная власть в Узбекистане: время реформ» номли китобда муаллифлар Конституция, Судлар тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисидаги қонун меъёрларидан келиб чиқиб, барча судларни уч таркибга гуруҳлаштириш лозимлиги ҳусусида фикр билдирадилар. Булардан биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, иккинчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва умумий юрисдикция судлари, ва ниҳоят, учинчи гуруҳга Олий ҳўжалик суди ва унинг назорати остидаги бошқа ҳўжалик судлари киради¹.

Юқоридаги фикрга таниқли ҳуқуқшунос, профессор З.М.Исламов ҳам қўшиладилар. Ўзбекистон Республикаси суд тизимида нуфузли ўринни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди эгаллайди. Мазкур суд томонидан амалга ошириладиган конституциявий назорат конституциявий меъёрларнинг устуворлигини таъминлаш воситаларидан бўлиб, бу институтнинг мамлакатда мавжуд бўлиши давлатнинг демократиклигидан далолат беради.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясининг қабул қилиниши Конституциявий судни ташкил этиш лозимлигини кўрсатиб берди. Натижада, 1993 йили 6 майда Олий Кенгашнинг ўн

¹ Судебная власть в Узбекистане: время реформ. –Т., 2002. –С. 231

иккинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бироқ Олий Кенгашнинг 1993 йили 7 майда қабул қилинган қарорига мувофиқ Конституциявий суд ваколатлари вақтинча Конституциявий назорат қўмитасига юклатилади. Бундай қарорни қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказиладиган сайловлар ҳамда Конституциявий суднинг янги сайланган парламент томонидан сайлаш мақсадга мувофиқлиги билан боғлиқ эди¹.

Кейинчалик, 1995 йили 30 августда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Бу қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди конституциявий назоратни мустақил ва ҳеч кимга қарам бўлмаган ҳолда амалга оширувчи суд органи ҳисобланиб, ўз фаолиятини конституциявий судловни амалга ошириш йўли билан олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108-моддасида Ўзбекистон Республикасининг мақоми ҳамда унинг суд органи сифатидаги мақсад ва вазифалари белгилаб берилган².

Конституциявий суд судлар тизимида ўзинингалоҳида ўринига эга. Унга тўғридан-тўғри ҳеч қайси судлар бўйсунмайди-ю, аммо у томонидан қабул қилинган қарорлар барча судлар учун аҳамиятли бўлиб, шу йўл билан бутун суд амалиётига таъсир этиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий Хўжалик судига келсак, улар бирмунча бошқача мавқега эга. Улар ўзларига бўйсунувчи тизимости судларига эга бўлиб, ўзларига бўйсунувчи судлар фаолияти устидан суд назоратини амалга оширадилар ҳамда амалдаги қонунчилик бўйича тушунтиришлар беради.

¹ Бу ҳақда қаранг: Балтаев А.Р. Судебная власть в Республике Узбекистан. – Т., 1997. –С. 4.

² Ўзбекистон Республикасининг ”Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида қонуни” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 178-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда.

Судларнинг ташкил этилиши ва фаолиятини тартибга солишда энг муҳим жиҳат шуки, одил судлов фақатгина бу учун ваколатли бўлган суд органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Ҳеч қайси бошқа давлат органлари ёки нодавлат тузилмалари юқорида санаб ўтилган – одил судлов, конституциявий назорат, суд қарорларининг ижросини таъминлаш ва шу каби бошқа ваколатларни, суд ҳокимияти органларидан ташқари амалга оширолмайди. Юқорида тилга олинган қонун ҳужжатлари меъёрларидан келиб чиқиб, барча судларни **уч гуруҳга ажратиш** мумкин. Улардан бирига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, бошқасига – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва унга бўйсунувчи умумий юрисдикция судлари, учинчисига эса Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди ва унинг назорати остидаги судлар киради.

Судларнинг кўпчилик қисми иккинчи блокка киради. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг иккинчи бўлимида улар **умумий юрисдикция судлари** деб юритилади. Уларга Ўзбекистон Республикаси ОлийСуди билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман ва ҳарбий судлар киради. Иккинчи блокда алоҳида тармоқни ҳарбий судлар ташкил қилади. Уларнинг иш юритувига фақатгина ҳарбийлар ва Қуролли Кучлар манфаатлари у ёки бу йўсинда тааллуқли бўлган ишлартегишли бўлади.

Учинчи блок таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, шаҳар хўжалик судлари киради. Бу блокка Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди раҳбарликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси суд тизимини ташкилий бирликлар нуқтаи назаридан тавсифлаш учун «бўғин» тушунчасидан фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Суд тизими бўғини, бу- Ўзбекистон Республикасининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишига мувофиқ ташкил этилган ҳамда бир хил ваколатларга эга бўлган бир турдаги судлар мажмуидир¹.

Шу белги бўйича умумий судлар уч бўғин (даража) га бўлинади:

- асосий бўғин – фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари;
- ўрта бўғин - Қорақалпоғистон Республикаси фуқароликва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқароликва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари;
- юқори, ёки олий бўғин – Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

Шу йўсинда ҳарбий судлар ҳам ташкил этилган:

- асосий бўғин – округ ва худудий ҳарбий судлар;
- ўрта бўғин – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди;
- юқори бўғин – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий коллегияси.

Юқоридаги судлардан фарқ қилган ҳолда хўжалик судлари икки бўғинли таркибга эга:

- асосий бўғин - Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари;
- юқори бўғин – Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди.

Ташкилий тузилиши нуқтаи назаридан судлар ўзаро бўғин тушунчаси билан боғлиқ бўлса, амалга оширадиган функциялари (ваколатлари) нуқтаи назаридан улар инстанция тушунчаси билан ўзаро боғлангандир. Суд инстанцияси бўлиб, суд ишларини ҳал қилиш (ишнинг моҳияти бўйича қарор қабул қилиш, қарорларнинг қонунийлиги ва

¹Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида қонуни" // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 178-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда. Рустамбоев М.Х., У.А.Тухташева. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. – Т.: ТГЮИ, 2011. Б. 63-64.

асосланганлигини текшириш) билан боғлиқ у ёки бу суд функциясини бажарувчи суд (ёки унинг тузилмавий бўлинмаси) ҳисобланади¹.

Биринчи инстанция суди деб, кўрилаётган иш учун асосий ҳисобланган масала юзасидан моҳиятан қарор чиқаришга ваколатли бўлган судга айтилади. Жиноий ишлар бўйича – бу судланувчининг жиноятни содир этишда айблилиги ёки айбсизлиги тўғрисида ҳамда жиноий жазони қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги масалалар бўлса, фукаролик ишларида эса ишнинг моҳиятини тақдим этилган даъво исботланган ёки исботланмаганлиги ҳамда юзага келиши лозим бўлган юридик оқибатлар тўғрисидаги масалалар ташкил этади. Биринчи инстанция суди сифатида исталган суд, шу билан бирга юқори судлар ҳам майдонга чиқиши мумкин. Барча судлар компетенциясининг мазмун-моҳияти амалдаги қонунчиликда аниқ-тиниқ қилиб белгилаб берилган.

Апелляция инстанцияси суди эса қонуний кучга кирмаган ҳукмлар ва бошқа қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширишга қаратилган. Умумий юрисдикция судлари тизимида бундай судлар сифатида асосий бўғин судларидан ташқари барча судлар ҳаракат қилиши мумкин. Апелляция тартибида кўриб чиқилган ишлар кассация тартибида кўрилишига йўл қўйилмайди. Ўз навбатида кассация инстанцияси суди қонуний кучга киришга улгурган ҳукмлар ва бошқа қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширади. Умумий ва ҳарбий судлар тизимида бундай судлар сифатида асосий бўғин судларидан ташқари барча судлар ҳаракат қилиши мумкин. Хўжалик судларида мазкур функцияни Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди бажаради.

Назорат инстанциясисуди ва уларнинг фаолияти ҳам одил судловнинг сифатини кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Бу

¹Рустамбоев М.Х., У.А.Тухташева. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. – Т.: ТГЮИ, 2011. Б. 63.; Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида қонуни" // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 178-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда.

инстанцияга қонуний кучга кирган ҳукм ва қарорларни текшириш ваколати берилган судлар киради. Умумий судлар тизимида бундай инстанцияда иш кўриш ваколати Қорақалпоғистон Республикаси фуқароликва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқароликва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари; Қорақалпоғистон Республикаси фуқароликва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқароликва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари; Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди хайъатлари ва раёсатига берилган.

Шу тариқа бугунги кунда мамлакатимизда суд ҳокимияти олдида турган вазифаларга монанд ҳолда суд органлари тизими шакллланган бўлиб, уларнинг тизими ва тузилмаси судлар олдида турган вазифаларни энг оқилона равишда амалга оширишга йўналтирилгандир. Шу ўринда, мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган демократик жараёнларни эътиборга олган ҳолда, яқин келажакда мамлакатимизда судларнинг ихтисослашуви жараёнини давом эттирган ҳолда, маъмурий судлар ва ювенал судларни ташкил этиш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Албатта, бу вазифа бирданига ва тезликда амалга ошириладиганиш эмас. Шу боис, ушбу йўналишда илмий ишларни ва хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида, бу масалада бир ечимга келиш мумкин.

2.2. Одил судловнинг конституциявий принциплари тавсифи

Ўзбекистон Республикасида суднинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва фаолият юритишининг қонуний асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан белгиланади. Мамлакатимизда суд ҳокимияти ижтимоий адолатни, ҳуқуқий тартиб ва қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида одил судловни амалга ошириш ҳуқуқий давлатнинг моҳияти ва вазифаларини ифодаловчи демократик принципларга таянади. Умумэътироф этилган қуйидаги принциплар Конституция ва бошқа қонунларимизда мустаҳкамланган.

Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши принципи – жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир. Бу принцип суд ҳокимияти фаолияти чегараларининг Конституцияда белгиланганлигида, яъни конституциявий, фуқаролик, маъмурий ва жиноий судлов ишларини амалга ошириш орқали рўёбга чиқарилишида, шунингдек, суд тизими нормаларининг қонуний мустаҳкамланганлигида ўз ифодасини топади.

Конституциянинг 107-моддасида фавқулодда судлар тузилишига йўқ қўйилмайди, деб алоҳида таъкидланиши билан ҳам юқоридаги принципнинг амал қилишига кафолат яратилганлигини кўришимиз мумкин¹.

Бинобарин судловга тааллуқли бўлган фуқаролик, жиноий, маъмурий ва хўжалик ишларини суддан бошқа ҳеч қайси давлат органи кўриш ва ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Бу борада мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берар экан, мамлакат Президенти И.А.Каримов шундай дейди: «Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бўлгани каби бизда ҳам текширишлар натижалари бўйича молиявий ва маъмурий жазоларни фақат суд томонидан тайинлаш тизимида ўтиш вақти етди»².

Ундан ташқари, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш зарурати мавжуд. Жумладан, айрим маъмурий идора ва ташкилотларга (солиқ, божхона ходимлари, ўт ўчириш хизмати, ДАН ходимлари ва б) ҳануз низоли масалаларни кўриш ва жазо (санкция) қўллаш ваколати

¹Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон. 2014.- 76 б. // <http://www.lex.uz>.

² Каримов И.А. Бизнинг мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи. 29 январь. 2005 йил.

берилган. Ҳукукбузарлик ҳолати низоли бўлганлиги сабабли бузилган ҳуқуқни тиклаш масаласи ваколатли суд томонидан кўриб, ҳал қилиниши мақсадга мувофиқ. Юқорида таъкидланган ташкилотлар томонидан аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун ваколатли судга берилиши, суд эса одил судловни амалга ошириши лозим. Жаҳон амалиётида ушбу масалалар маъмурий судлар томонидан ҳал этилади (Германия, Франция). Шу муносаба билан, яқин келажакда мамлакатимизда маъмурий юстицияни риволантириб, унинг алоҳида тизимга айланиш масаласи долзарб. Фарруха Мухитдинованинг таъкидлашича, маъмурий ишларни хўжалик судлари юрисдикциясидан чиқариш керак. Шунингдек, Олий судда маъмурий ишлар бўйича ҳайъат тузиш керак¹. Бундай таклифнинг амалга ошиши – маъмурий ишларни кўриш тартибини такомиллаштирган бўлар эди.

Одил судловнинг фақатгина суд томонидан амалга оширилишининг афзаллиги шундаки, судда ҳар қандай низоли масала тортишув асосида, ошкора, аниқ белгилаб қўйилган тартиб ва қонунларга кўра ҳал қилинади. Ҳақиқатни аниқлашда тортишув асосидаги холислик ва беғараз баҳолашни фақат судгина амалга ошириши мумкин.

Суд ҳокимиятининг ва судьяларнинг мустақиллиги принципи. Мазкур принцип Конституциянинг 106 ва 112- моддалари ҳамда «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида мустаҳкамланган. Унга кўра судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жаобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Суд ҳокимияти, юқорида айтиб ўтганимиздек, қонун чиқаручи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

¹Мухитдинова Ф.Ф. Становление и развитие судебной власти в Республике Узбекистан. Автореферат дисс. на соис. учен. степ. докт. юрид. наук. Т.2012.45с.

Конституцияга мувофиқ, судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиш ва сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши мумкин эмас. Шунингдек уларнинг илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Судьяларнинг мустақиллиги – суд ҳокимияти тўсқинликсиз эркин рўёбга чиқиши ва ўз рутбасида ҳаракатланишининг муҳим шартидир. У қанчалик мустақил бўлса, қонун асосида фаолият юритса, одил судловни холис амалга ошириши, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиши шунчалик самарали бўлади¹. Судьяларнинг мустақиллиги, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, қўйидагилар орқали таъминланади:

1) судьяларни қонунда белгиланган тартибда лавозимга сайлаш, тайинлаш ва озод қилиш;

2) судьяларнинг дахлсизлиги;

3) одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил;

4) қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ва маслаҳатлашув вақтида айтилган мулоҳазаларни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

5) судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

6) судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш (Қонуннинг 67-моддаси)².

Давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт.

¹ Тожихонов У. ва бошқалар. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи». Т., 2001. Б. 635.

² Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; № 7, 324-модда; 2009 йил 22 декабрь, № ЎРҚ—238.

Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек уни очикдан очик менсимасликдан далолат берувчи хатти-шаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади (Қонуннинг 68-моддаси).

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

Судьядан кўрилган ёки унинг иш юритувидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас (Қонуннинг 69-моддаси).

Судьяларнинг фақат қонунга бўйсунishi принципи
Конституциямизнинг 112-моддасида белгиланган бўлиб, унинг асосида судьялар ўзларига қонун билан берилган ваколат доирасида иш юритадилар ва ҳар бир масалани қонунга мувофиқ ҳал этадилар деган маъно ётади. Ваҳоланки, суд иш кўраётган вақтда давлат органи ёки бошқа идора ҳужжатининг қонунга номувофиқлигини аниқласа, ўз қарорини фақат қонунга асосланиб чиқаради. Ушбу конституциявий қоида далаат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ҳужжатларига нисбатан татбиқ қилинади.

Суд ишларини юритишнинг ошкоралиги принципи. Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади (Конституциянинг 113-моддаси) Демак, аксарият ҳолларда суд процесслари очик ўтказилади. Уларда томонларнинг вакиллари, судланувчининг қариндош-уруғлари, яқинлари, истаган фуқаролар, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари иштирок этишлари мумкин. Қонунда назарда тутилган ҳолларда, масалан, далаат сири ёки ҳарбий сирлар билан боғлиқ

ишларда, жабрланувчининг шаъни ва ориятини муҳофаза қилашманфаатларидан келиб чиқиб, суд ишни кенг жамоатчилик иштирокидан ҳоли кўришни лозим деб топиши мумкин. Жиноят иши жинсий жиноят билан боғлиқ ҳолларда ҳам иш ёпиқ кўрилади. Ёпиқ суд мажлисига, суд ажримиға биноан, 18 ёшга етмаган шахслар киритилмайди.

Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги принципи.

Конституциямизнинг 114-моддасида суд ҳокимияти томонидан чиқарилган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги хусусида қоида белгиланган. Ушбу принципга кўра суд ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Бироқ одил судловнинг мазкур принципига тўлиқ амал қилиш борасида бир мунча қийинчиликлар мавжудлиги амалиётчиларимиз томонидан эътироф этилмоқда. Бундай муаммолар кўпроқ хўжалик судлари, қисман фуқаролик судлари томонидан чиқарилган, ундирувга қаратилган суд ҳужжатларининг ижро этилишида учраб туради.

Одил судловни амалга оширишда тил тўғрисидаги конституциявий принцип катта аҳамиятга эга. Конституциямизнинг 115-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган суд иштирокчиларининг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида одил судловнинг асосий принциплардан бири, назаримизда энг муҳим принцип – айбсизлик презумпциясидир. Конституциямизнинг 26-моддасида айтилишича, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда

айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасига кўра айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугуган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчиёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Бинобарин, дастлабки суриштирув ва тергов органи жиноят содир этган шахсга айб эълон қилишда, унинг ушбу жиноятни содир қилишдаги айбдорлигини (айбсизлигини) албатта исбот қилиб беришга мажбур, чунки айбланувчи айбсизлик презумпциясига кўра, суднинг чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунга қадар айбдор деб ҳисобланмайди. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Жиноят содир этган шахснинг айбдорлигини исботлаш мажбурияти Жиноят-процессуал кодексининг 86-моддасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга юклатилган. Шу ўринда, суд тарафлар ўртасидаги ана шу тортишувда холислик ва беғаразликни сақлайди, бинобарин айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди

Ҳуқуқшунос олим Ю.И.Стецовскийнинг фикрича «Исбот қилиш учун далиллар тўплаш билан суд эмас, балки суриштирув ва тергов органлари шуғулланиши лозим. Прокурор айбловни исбот қилиб беришга қодир бўлмаса, суд унга ердам бериш ва судланувчини фош этиш билан шуғуланмаслиги керак. Прокурор ўз вазифасини бажара олмаса ва айбловни исботлаб бера олмаса, суд судланувчини оқлаши керак»¹. Шу боис айбланаётган шахснинг айбдорлигини исбот қилиш вазифасининг бевосита судга ҳам юклатилганлиги судьянинг холислиги ва беғаразлигига дахл қилиши мумкинлигини таъкидлаш керак.

¹ Стецовский Ю.И. Судебная власть. Дело. Москва. 1999. С. 146.; Правосудие в современном мире /Под. Ред. В.М.Лебедева, Т.Я.Хабриевой.М., 2011, 719.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида **айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи** кафолатланган. Шахсининг ушбу ҳуқуқи адвокатлар орқали ёки жамоат ҳимоячилари томонидан амалга оширилади.

Конституциямизнинг юқоридаги моддасида айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши белгиланар экан, айтилиши вақтда тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи ҳам кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш адвокатура тизими орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасига кўра ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Судлар тўғрисида»ги Қонунда ҳеч қандай шахс қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситуви бошқатардаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги таъкидланган. Ҳар кимнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи муҳим принцип ҳисобланади. Бу принципга кўра «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида қуйидагилар мустаҳкамланган:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар далолат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига

тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга¹.

Мазкур конституциявий принципнинг амалдаги ифодасини таъминлаш борасида келажакда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар мавжуд. Жумладан, фуқароларга Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқи берилиши уларнинг суд ҳимоясида бўлиши ҳуқуқини кенгайтиришга хизмат қилган бўлар эди.

Навбатдаги принцип **фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципи**дир. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги Асосий Қонуннинг 18-моддасида белгиланган. Ана шу қонуннинг судга татбиқан талқини «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида баён этилган бўлиб, унга биноан, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенгдир. Конституциямизнинг мазкур моддасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги аниқ ва равшан қилиб белгилаб қўйилганлиги мамлакатда одамлар ўртасида бирон-бир айирмачиликка, яъни улар ўртасида ирқий, миллий, жинсий, диний низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймайди.

Ушбу принципга биноан қабул қилинган жорий қонунчиликда ҳар қандай кўринишдаги ирқий, миллий, диний низолар, тенгсизликларга олиб келувчи ҳаракатлар қораланиши ва зарур ҳолларда жиноий жавобгарликка тортилиши фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглигини кафолатлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш зарурки, юқорида қайд этилган принципларга риоя этилиши замирида суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судловнинг чинакам одиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ҳақидаги низоларни ҳал этишда қонунийлик, асосланганлик ҳамда адолатлиликни таъминлаш вазифаси ётади. Шу

¹Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; № 7, 324-модда; 2009 йил 22 декабрь, № ЎРҚ—238.

боис, ушбу принциплар мазмун-моҳияти назарий билимлар доирасидагина бўлмай, балки, аниқ суд фаолиятига оид воқеликни кўрсатувчи омиллардир.

2.3. Суд ҳокимияти ваколатлари ва функцияларининг назарий тавсифи

Суд ҳокимиятининг давлат механизмида тутган ўрнини тўла тушуниб етиш учун суд ҳокимияти органлари фаолиятига функционал ёндашув зарур бўлади. Чунки, ҳар қандай органнинг моҳияти ва аҳамияти бевосита унинг ваколатлари, вазифа ва функциялари орқали ўзини намоён этади.

Шунга кўра, суд ҳокимияти ўз ваколатларини махсус ташкил этилган органлар ва махсус тайинланадиган мансабдор шахслар – судьялар орқали рўёбга чиқаради. Суд ҳокимияти – бу суд томонидан ўрнатилган процессуал қоидаларга қатъиян амал қилган ҳолда ҳамда процессуал ва моддий қонунчиликни қўллаш йўли билан ўз компетенцияси доирасига кирувчи ишларни ҳал этиш учун амалга ошириладиган ҳокимий ваколатлардир¹.

Суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга ўз фаолиятини йўналтиради. Зеро, “Фақат Конституция асосида ташкил қилинган суд ҳокимияти қонун асосида суд ишларини адолатли олиб боришда, халқ вакилларининг ёрдамига таяниб, жиной ва фуқаролик

¹ Фокин В.М. Правоохранительные органы Российской Федерации. – М., 1999. С. 31.; Рустамбаев М.Х., У.А. Тухташева. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. Т.: “ILM ZIYO”. (Икки жилдди. 1-жилд.) 2011.-304 б.

ишларини кўриб чиқиш, текшириш ва бошқа ишлар бўйича ҳукм чиқариш ёки қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга”¹.

Кейинги йиллардаюрйидик атамашуносликда «суд ҳокимияти» бирикмаси «суд» атамаси билан бир қаторда ишлатилиб келинмоқда². Бироқ суд ҳокимиятини давлат органи – судга тенглаштириб ташлаш нотўғри бўлар эди. Ҳокимият деганда мазкур орган қилиши ва қила олиши мумкин бўлган ишлар тушунилади. Моҳиятан буларга ваколатлар, бу ҳокимиятнинг функцияси киради, асло уларнинг ижросиси эмас³.

Бу ваколатлар ичида асосий ўринни **одил судлов** эгаллайди ва одил судловни фақатгина суд амалга ошириши мумкин - бошқа ҳеч қандай органга бундай ваколат тегишли эмас. Лекин суд ҳокимияти фақатгина шу ваколат билан чегараланиб қолмайди. Суд ҳокимиятининг юқоридагилардан ташқари, қатор ижтимоий аҳамиятга лойиқ функциялари мавжуд:

- конституциявий назорат (контроль);
- қонунийлик ва давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва қарорларининг асослилиги устидан назорат (контроль);
- ҳукм ва бошқа суд қарорларининг ижросини таъминлаш;
- судларга тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш;
- амалдаги қонунчиликни суд амалиёти маълумотларига асосланган ҳолда тушунтириш;
- судлов корпусини шакллантиришда қатнашиш ҳамда судлов ҳамжамияти органлари билан ҳамкорлик қилиш⁴.

¹“Давлат бошқарувини амалга оширишда судларнинг роли” // “Давлат қурилиши ва бошқаруви”. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси. -Тошкент. 2007.- Б. 373.

² Бу ҳақда қаранг: Бойко А.Д. Третья власть. – М.: БЕК, 1998 - С. 104.

³ Рустамбоев М.Х., У.А.Тухташева. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. – Т.: ТГЮИ, 2011.-Б. 48.

⁴Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари (2014 йил 1 октябрча бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): тўплам / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:Т.: “Адолат”, 2014 йил, 2014 йил, -1056 бет. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 356 б.

Рустамбоев М.Х., У.А.Тухташева. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. – Т.: ТГЮИ, 2011. Б. 48.

Бу ваколатларни одил судлов билан тенглаштириш ёки унга қўшиб юбориш нотўғри бўлар эди. Бу ерда, уларнинг амалга оширилиши одил судловбилан боғлиқ бўлиб, унинг лозим даражада олиб борилишини кўллаб-қувватлайди холос.

Суд ҳокимиятини ташкил этувчи юқоридаги ваколатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, бу ваколатларни амалга оширувчи органлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида мажбурлов воситаларига эга бўлишини талаб этади. Қонун, масалан, барча шакл судлари қарорларининг умуммажбурийлигини тўғридан-тўғри эълон қилган. Қонун барча ташкилот ва мансабдор шахслардан, фуқаролардан суд ҳокимияти амрига сўзсиз бўйсунитишни талаб қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 272-274-моддалари билан назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, муайян ишнинг кўрилишида раислик қилувчи судья, суд жараёни кетаётган хонада, тегишли тартиб-интизомни сақламаётган исталган шахсга танбеҳ бериши мумкин. Судьянинг огоҳлантиришига қарамай, тартибга риоя этмаган ўша шахсни судья суд залидан чиқариб юбориши мумкин. Булардан ташқари, интизомсиз гувоҳлар ёки суд бўлаётган хонада ўтирган шахслардан пул ундирилиши ёки жарима солиниши ҳам мумкин.

Ҳудди шундай ҳуқуқлар суд (судья) га, нафақат жиноий ишларни, балки бошқа ишларни ҳам кўриб чиқишда тақдим этилган. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 65-моддасининг 3-қисмида назарда тутилишича: «Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг талабига мувофиқ бепул берилади. Судьяларнинг талаблари

ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади»¹.

Судларнинг ваколатларини аниқлаб олиш, бу давлат органлари нима билан шуғулланишлари мумкин ва лозимлиги хусусида тасаввур берибгина қолмай, давлат ҳокимиятини амалга оширувчи барча органлар тизимида уларнинг ўрни ва ролини, уларнинг давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари билан ўзаро нисбат-муносабатини аниқлаб олиш имконини беради. Буларнинг барчаси ҳокимиятлар бўлинишининг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш учун имконият яратади: қонун чиқарувчи қонунларни қабул қилади, ижро органлари ижро этади, судлар эса судлов билан шуғулланади. Нима бўлганда ҳам, суд ваколатлари рўйхатининг ўзигина, «судлар судлов билан шуғулланади» деган гап остида қанчалик кенгқамровли ва кўптомонлама, ўз мазмун-моҳияти билан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар фаолиятидан фарқ қиладиган ўзига хос фаолият ётишини кўрсатиб турибди.

Суд ваколатларининг доираси, мазкур ҳокимият давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари бажарадиган функциялардан кам бўлмаган муҳим ижтимоий функцияларни бажаришга қаратилганлигидан далолат беради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, суд ҳокимиятини амалга ошириш фақатгина бу учун махсус ташкил этилган ҳамда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлардан мутлақо фарқ қилувчи давлат органлари бўлмиш судларга топширилган. Суд ҳокимияти, олдинги параграфларимизда айтиб ўтганимиздек, иккита асосий функцияга (вазифага) эга. Улардан бири давлат томонидан ўрнатилган қоидаларни бузганлик учун жазолаш функцияси бўлса, иккинчиси давлат билан фуқаролар ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал этишдир.

¹Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; № 7, 324-модда; 2009 йил 22 декабрь, № ЎРҚ—238.

Булардан ташқари, судларнинг учинчи – алоҳида инсон иштирок этмайдиган, давлат тузилмалари ўртасидаги низоларни, конфликтларни ҳал этиш (кўриб чиқиш) функцияси ҳам мавжуддир. Бундай ишларга мисол сифатида Конституциявий судларнинг федерация субъектлари, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари, ҳокимиятнинг марказий органлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқилишини келтирса бўлади¹.

Умуман олганда, суд ҳокимиятини таърифлашда турлича ёндошувларнинг мавжудлиги, назарияда бошқа терминларни ҳам тушунтиришда қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради, хусусан суд ҳокимиятининг шакллари ва функцияларини тўғри аниқлашни қийинлаштиради. Илмий юридик адабиётларда, нафақат, суд ҳокимияти қандай функцияларни бажариши ва бу функциялар қандай шаклларда амалга оширилиши ҳақида аниқликлар йўқ, балки суд фаолиятининг алоҳида кўринишларини функциялар ёки фаолият шакллари категориясига киритиш борасида конкрет мезонлар ҳам учрамайди. Масалан, айрим тадқиқотчилар «одил судловни, қуйи турувчи судлар фаолияти устидан юқори турувчи судлар томонидан назоратнинг амалга оширилишини, суд бошқаруви, ижро ҳокимияти соҳасидаги суд контроли, конституциявий контролни»² суд ҳокимиятини амалга ошириш шакллари сифатида эътироф этадилар³.

В.В. Скитович эса суд ҳокимиятининг функцияларига суд фаолиятининг айрим кўринишларини киритади – одил судлов, юрисдикциявий контроль (назорат), судлов корпусини шакллантириш ҳамда суд амалиётини бошқариш⁴.

¹ Бу ҳақда қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Кол. авт. Минск: ООО «Новое знание», 2001, 461-462.; Федеральный конституционный закон Российской Федерации от 31 декабря 1996 года № 1-ФКЗ “О судебной системе Российской Федерации”.

² Ржевский В.А., Чепурнова М.Н. Судебная власть в Российской Федерации: конституционные основы организации и деятельности. –М., 1998. –С. 96.

³ Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. –Т., 2003, –С. 198.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Скитович В.В. Судебная власть как системное образование // Правоведение. – 1997. - № 1. – С. 150; Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. –Т., 2003, –С. 198.

В.П. Божьевнинг фикрича, суд ҳокимиятининг функцияси бўлиб, одил судлов, судлов корпусини шакллантириш, судлов амалиётини бошқариш – суд ҳокимиятининг ваколатлари, уни амалга ошириш кўриншлари ҳисобланади¹.

Кўриб турганимиздек, суд ҳокимиятини амалга ошириш шакллари ва унинг функцияларини аниқлашдаги турли тушунчалар нафақат мазкур тушунчаларга қарашларнинг хилма-хиллиги билан, балки суд ҳокимиятининг мазмун-моҳиятини тушунишдаги хилма-хилликлар билан ҳам белгиланади. Шу боис, мен давлат ва ҳуқуқ назарияси фанидаги давлат ва ҳуқуқ функциялари ҳақидаги таълимотлар ҳамда юқоридаги илмий адабиётлардаги фикрлар асосидасуд ҳокимияти функцияларига муаллифлик таърифини беришга ҳаракат қиламан:

Суд ҳокимияти функциялари бу – суд органларининг қонунга асосланган, ҳуқуқ ҳақидаги низони адолатли ҳал этадиганодил судловни амалга оширишга қаратилган фаолиятининг асосий ва муҳим йўналишларидир.

Шундай қилиб, давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи бўлган, Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя (муҳофаза) қилиш давлат функцияси адо этади. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари, айниқса судҳокимияти фаолиятининг мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

2.4. Суд ҳужжатлари судлар фаолиятининг ҳуқуқий шакли сифатида

Демократик жамиятнинг муҳим атрибутларидан бири -фуқароларга суд ҳимоясидан тўла-тўқис фойдаланиш имкониятининг яратилганлигидир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда суд ҳимоясини

¹Қаранг: Правоохранительные органы РФ / Под ред. В.П.Божьева. – М., 1996. –С. 42; Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. –Т., 2003, –С. 198.

кучайтиришга устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Суд ҳоқимияти тўғрисида” қарорида таъкидланганидек, “Фақат мустақил суд ҳоқимияти ҳар бир фуқаронинг ваколатли ва ҳолис судда ишни ошқора кўриш орқали ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкинлигига қафолат бўлиб ҳизмат қилади.

Мустақил ва ҳолис судни талаб қилиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган¹.

Суд ҳимояси натижалари суд ҳужжатларида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топади. Суд ҳужжатлари ҳуқуқниқўллаш ҳужжатларининг муҳим бир тури ҳисобланади. Шу боис, унга нисбатан ҳам ҳуқуқ қўллаш ҳужжатларига қўйилган талабларнинг барчаси қаратилади. Бундан ташқари, айнан суд ҳужжатларига қўйиладиган яна бошқа талаблар ҳам мавжудким, булар мазкур ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқади.

Суд ҳужжатларини тадқиқ этишда бевосита “Суд ҳужжатлари нима ўзи” деган саволга жавоб беришимиз зарур бўлади. Жуда оддий қилиб айтадиган бўлсак, суд ҳужжатлари қонун талаблари асосида низоли иш бўйича ҳуқуқи бузилган тарафларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган индивидуал аниқ юридик ҳужжатдир.

Суд қарори бу ишни мазмунан кўрадиган биринчи инстанция судининг муҳим ҳужжатиدير. Суд ҳужжатларини тайёрлаш, уни қабул қилиш ҳамда ички тузилиши ва мазмуни процессуал қонунчиликда ва

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Суд ҳоқимияти тўғрисида” қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди қўшма Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги 21/108-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)

тегишли Олий судларнинг ўз Пленумларида берган тушунтиришларида кўрсатилган¹.

Суд ҳужжати доимо муайян юридик оқибат вужудга келтирадиган юридик ҳужжатдир. Суд қарорида албатта низоли иш қонунда ва процессуал қонунчиликда белгилаб қўйилган асос ва тартибда кўриб чиқилиб, тегишлиечим ва қарор ўз ифодасини топиши керак. Айти пайтда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114 – моддасида мустаҳкамланганидек, “Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир”.

Суд ҳужжатлари бу тегишли судларда қонун талаблари асосида жиноий, фуқаролик, хўжалик, маъмурий ишларни моҳиятан кўриш натижасида қабул қилинадиган ҳуқуқни қўллаш ҳужжати дир. Шу ўринда, таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”** қарорида ушбу суд ҳужжати га оид процессуал қонунчилик нормаларини қўллаш амалиёти умумлаштирилган².

Суд ҳужжатларига амадаги қонунчиликда қатор талаблар қўйилган. Улардан бири – суд ҳужжатларининг қонунийлигидир. Ушбу талаб энг биринчи ва бажарилиши ўта шарт бўлган талаб дир³. Айти пайтда суд ҳужжатлари фақат қонуний бўлибгина қолмасдан, балки, етарли даражада асослан тирилган бўлиши керак. Суд органларининг чиқарадиган ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига нисбатан қўйиладиган талаблар амалдаги процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал Кодексининг 18-боби суднинг ҳал қилув қарорига бағишланган.

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан. // <http://www.lex.uz>. Электрон манба: <http://cli.lex.uz/ld/irs/doc>. ; Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Суд ҳукми” тўғрисидаги қарори. 2014 йил 23-майда қабул қилинган // Электрон манба: <http://cli.lex.uz/ld/irs/doc/2413562>.

²Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан. // <http://www.lex.uz>.

³Батафсил қаранг: Калина В.Ф. Юридическая техника.-Москва.Изд.Юрайт, 2014,(-291с.)-С.177.

Кодекснинг 205-моддасида ҳал қилув қарори чиқариш пайтида ечиладиган масалалар доираси мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, суд ҳал қилув қарорини чиқарётганда далилларга баҳо бериши, иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатлар аниқланганлигини, қандайлари эса аниқланмаганлигини, бу ишга нисбатан қандай қонун қўлланиши кераклигиги ва арз қилинган талабни қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслиги масаласини аниқлаши кераклиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, суд, яна харажатларни тақсимлаш, ҳал қилув қарорини ижро этиш тартиби ва муддатини ҳам белгилаши ҳамда бошқа қўшимча масалаларни ҳам ҳал этиши кўрсатилган¹.

Ҳуқуқ қўллаш ҳужжатининг ички тузилишига доир қоидалар мазкур Кодекснинг 206 -моддасида – “Ҳал қилув қарорининг мазмуни” мустаҳкамланган. Мазкур моддада ҳал қилув қарорининг кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши қатъий белгилаб қўйилган.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарори чиқарилган вақт ва жой, ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси ёки суд таркиби, суд мажлисининг котиби, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъвогарнинг талаби, жавобгарнинг эътирозлари ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак.

Ушбу қарорнинг асослантирувчи қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далиллни рад этишда асослаган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилиши шарт. Агар жавобгар арз қилинган талабни тан олса,

¹Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодекси.205-модда // Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): тўплам / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:Т.: “Адолат”, 2014 йил, -105 6 бет. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 356 б.

асослантириш қисмида фақат арз қилинган талабнинг тан олинганлиги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суднинг арз қилинган талабларни қаноатлантириш ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулосаси, суд харажатларининг тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби аниқ кўрсатилиши – ушбу моддада мустаҳкамланган¹.

Маълумки суд ҳужжатлари ичида ҳукм алоҳида ўрин тутати. **Ҳукм - бу жиноий ишлар бўйича чиқариладиган суднинг юридик ҳужжати ҳисобланади.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг “Ҳукм чиқариш” деб номланган 454-моддасига кўра, суд ҳукмни Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради.

Ҳукм қонунга асосланган, адолатли ва асослантирилган бўлиши зарур.

ЖПКнинг 455- моддасида мустаҳкамланганидек, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт. Ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади. Ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилади. Ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган бўлса, адолатли деб эътироф этилади.

Суд ҳукмни фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослайди. Суднинг ҳукмда ифодаланган барча хулосалари асослантирилган бўлиши лозим¹.

¹Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): тўплам / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:Т.: “Адолат”, 2014 йил, 2014 йил, -1056 бет. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 356 б. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодекси.205-модда.

¹Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): тўплам / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:Т.: “Адолат”, 2014 йил, 2014 йил, -1056 бет. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 356 б. Ўзбекистон Республикаси

Ҳукмнинг адолатли бўлиши учун, суд ҳукм чиқариш пайтида қандаймасалаларга ўз эътиборини қаратиши ЖПК нинг 457-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, суд ҳукм чиқариш вақтида алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

- 1) судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатан содир этилганми;
- 2) бу қилмиш жиноят деб ҳисобланадими ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилган;
- 3) бу қилмишни судланувчи содир этганми;
- 4) судланувчи жиноят содир этилишида айблими ва, башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда;
- 5) судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борми;
- 6) судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми;
- 7) судланувчига қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми;
- 8) судланувчини Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топиш лозимми;
- 9) озодликдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми;
- 10) фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек фуқаровий даъво қўзғатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулкӣ зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибида жавобгарликка тортилишлари лозимми;
- 11) фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак;

- 12) ашёвий далилларни нима қилиш керак;
- 13) процесс чиқимларини кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак;
- 14) судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми;
- 15) судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш зарурми;
- 16) судланувчига нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш керакми¹.

Шу тариқа, ҳукмодил судловнинг процессуал хужжати бўлиб, жинойт ишининг тақдирини ҳал этувчигулосани ўзида намоён этади. Ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси, у содир этган жинойтнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва унинг шахсига мос равишда тайинланган бўлса, айбсиз шахс оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилади².

Таъкидлаш керакки, жинойт – процессуал қонунчилиқда ҳукмнинг турлари ҳам кўрсатилган. Жумладан, ЖПК нинг 462-моддасига кўра, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкин. Судланувчига нисбатан қандай турда ҳукм чиқариш масаласини ҳал қилиш вақтида суд ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи талабларига амал қилиши шарт.

ЖПК нинг 463-моддасида эса айблов ҳукми чиқариш асослари мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жинойт содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади.

¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда.

²Тажибаева А. Суд ҳукми ва унга қўйилган талаблар: муаммо ва таҳлил // ТДЮИ Ахборотномаси. 2009. - №5. Б.58-59.

ЖПКга кўра оқлов ҳукмини чиқариш асослари мустаҳкамланган. 464-моддада мустаҳкамланганидек, оқлов ҳукми қуйидаги ҳолларда чиқарилади, башарти:

- 1) жинойй ҳодиса юз бермаган бўлса;
- 2) судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса;
- 3) жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса.

ЖПК нинг 465-моддасида эса айблов ҳукмини тузиш асослари мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, ушбу Кодекснинг 457-459-моддаларида назарда тутилган масалалар ҳал этилганидан сўнг суд ҳукмини тузишга киришади. Судда иш қайси тилда кўрилган бўлса, ҳукм шу тилда, аниқ ва тушунарли ибораларда баён қилинади ва кириш, тавсиф ҳамда қарор қисмларидан иборат бўлади.

Ҳукм уни чиқаришда катнашган судьялардан бири ёки ҳукмини якка ўзи чиқарган судья томонидан қўлда ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёзилиши лозим. Ҳукмга киритилган тузатишлар ҳукм эълон қилинишидан олдин изоҳланиши ва судьянинг (судьяларнинг) имзоси билан тасдиқланиши лозим.

ЖПК нинг 466-моддаси ҳукмнинг кириш қисмига қўйилган талаблар мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, ҳукмнинг кириш қисмида:

- 1) ҳукм қачон ва қаерда чиқарилганлиги;
- 2) ҳукмини чиқарган суднинг номи, суднинг таркиби, суд мажлисининг котиби, тарафлар, таржимон;
- 3) судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, машғулоти, маълумоти, оилавий аҳволи ва судланувчи хусусидаги иш учун аҳамиятли бошқа маълумотлар;
- 4) судланувчига қўйилган айблов Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилганлиги кўрсатилади.

Суд, шунингдек қўзғатилган фуқаровий даъво тўғрисида ёки жиноят оқибатида келтирилган мулкӣ зарарни ундириш тўғрисида ўз ташаббуси

билан чиқарган қарорнинг асосларини ҳам кўрсатиши лозим. Ҳукмнинг имзоланиши ва судьянинг алоҳида фикри ЖПКнинг 472-моддасида келтириб ўтилган бўлиб, унга кўра, ҳукм судья томонидан чиқарилган бўлса, уни судьянинг яқка ўзи, суд таркиби томонидан чиқарилган бўлса, судьяларнинг ҳаммаси имзолайди. Овоз бериш вақтида озчиликни ташкил қилган судья ҳукмга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир. Бу фикрни у бевосита маслаҳатхонада ёзиши лозим. Алоҳида фикр ишга илова қилинади, лекин суд мажлисининг залида эълон қилиниши мумкин эмас.

Ҳукмни эълон қилиш тартиби ЖПК нинг 473-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унга кўра, суд ҳукмни имзолаганидан кейин суд мажлиси залига қайтиб чиқади ва раислик қилувчи ёки халқ маслаҳатчиси ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилади¹.

Суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, шу жумладан суд таркиби ҳам ҳукмни тик туриб эшитадилар. Ҳукм судланувчи билмайдиган ёки етарлича билмайдиган тилда баён қилинган бўлса, ҳукм эълон қилингандан кейин, таржимон томонидан ҳукм судланувчининг она тилида ёки у тушунадиган бошқа тилда ўқиб эшиттирилади.

Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини, ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартибини тушунтиради. Башарти судланувчи фавқулодда жазо чораси –умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган бўлса, унга афв этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади.

II боб бўйича хулоса

1. Суд органларининг тизими судлар олдида турган вазифалар хусусиятидан, кўриладиган ишларнинг тоифасидан келиб чиққан ва мамлакатимизнинг маъмурий –ҳудудий тузилишини эътиборга олган

¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 433-модда.

ҳолда шакллантирилган бўлиб, унда миллий ва хорижий тажриба ўзи ифодасини топган;

2. Суд органларининг функциялари суд ҳокимиятининг давлат механизмида тутган ўрни, суд ҳокимиятининг ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда тутган ўрни вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади; айти пайтда судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган бир неча масалаларни ҳал этиш долзарбдир (судьяларнинг, суд котибларининг, суд ижрочиларининг иш кўламлири кўплиги ва унинг оқибатлари билан боғлиқ муаммолар);

3. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашга берилаётган эътиборни ҳисобга олган ҳолда ҳамда халқаротажрибага асосланиб, Конституциявий суднинг ваколатлари доирасига бевосита фуқароларнинг Конституциявий судга мурожаат этиши ҳуқуқини ҳам киритиш зарур. Бу инсон ҳуқуқларини таъминлашда ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашда катта роль ўйнаган бўлар эди.

III БОБ. СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти билан ўзаро муносабати асосларини такомиллаштириш

Юқорида ҳам қайд этилганидек, ҳокимиятлар бўлиниши бу сиёсий-ҳуқуқий таълимот бўлиб, у демократик давлатда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосида ётади ва у сиёсий демократиянинг муҳим принципларидан ҳисобланади. Бу принципнинг мазмун ва моҳияти шундаки, давлат самарали фаолият олиб бориши учун унда ягона давлат ҳокимияти бир-биридан мустақил уч тармоққа бўлиниши керак¹.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципининг самарасини таъминлашда “бир-бирини тийиб, ўзаро мувозанатда ушлаб туриш”

¹Ковалевская О. В. Судебная власть в системе разделения властей // Вестник АГТУ, 2008, № 4 (45).; The William Howard Taft. Boundaries between the Executive, the Legislative and the Judicial Branches of the Government // The Yale Law Journal / Vol. 25, No. 8 (Jun., 1916), pp. 599-616/ Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/787727> / Page Count: 18

механизми муҳим бўлиб, унда ҳар бир ҳокимият тармоғи бошқасига нисбатан муайян “тийиб туриш” ва “мувозанатда ушлаш” таъсир чораларига эга. Бу механизмнинг тўла-тўқис ишлаши давлат ҳокимиятининг демократик табиатини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга.

Шу боис ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим йўналиши ҳокимиятлар бўлиниши принципининг самарасини таъминлаш ва шу мақсадда ҳокимият тармоқлари ўртасидаги муносабатларда мувозанатга эришишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган биринчи қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу масалага давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратиб, таъкидладиларки: “Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборатдир”¹. Давлат раҳбарининг бу фикрлари ушбу масаланинг давлат ҳокимияти тизимининг самарали ишлашини таъминлашда аҳамияти юқори эканлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Суд ва қонун чиқарувчи орган ўртасидаги муносабат ҳақида фикр юритганда, дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида мустаҳкамланган қоидага эътибор қаратиш зарур бўлади. Ушбу моддага биноан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди мамлакатимизда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари ҳисобланади, яъни улар Қонунчилик палатасига **янги қонун лойиҳаларини киритиш ҳуқуқига** эга.

¹Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005.- Б.179.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, “Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини демократик асосда янада ислоҳ этиш, мустаҳкамлаш ва эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларда парламентнинг алоҳида ўрин тутганини таъкидлаш зарур.

Ана шу даврда парламент томонидан қабул қилинган 30 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди”¹.

Фикримча, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари доирасига юқори судларни киритилиши бежиз эмас. Чунки, судлар ўз фаолиятида турли низоларни ҳал этишда бевосита ҳуқуқни қўллашни амалга оширади ва шу жараёнда ҳуқуқдаги бўш жойлар, коллизияларни аниқлайди. Юқори судлар эса суд амалиётини умумлаштириш жараёнида амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни илгари суришлари мумкин. Шу боис, судларнинг бу функцияси бугунги кунда янада долзарблик касб этиши мумкин.

Юқори судлар раислари ва аъзоларининг қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан сайланиши ҳам суд ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида ўзаро мувозанатни таъминлашга хизмат қилади ва судьяларга юксак масъулият юклайди.

Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашда суд ҳокимияти билан ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатда мувозанатга эришиш муҳим ўрин тутди. Бу ўзига хослик давлат механизмида суд органларининг тутган ўрни билан ҳам белгиланади.

¹Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2015 йил, 3 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида мустаҳкамланган суд ҳимояси ҳуқуқини кафолатлаш, унинг ҳуқуқий-ташкилий механизмини такомиллаштириш ижро ҳокимияти билан суд ҳокимияти ўртасидаги самарали мувозанатни таъминлаш билан бир каторда, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялашнинг, шу тариқа эса, суд ҳокимиятининг нуфузини кўтаришни таъминлашга хизмат қилишини таъкидлаш зарур.

Суд ҳокимиятининг ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабат мазмуни, жумладан, суд органларининг ижро ҳокимиятига нисбатан таъсир этиш, назорат қилиш фаолияти таҳлили асосида бир неча йўналишларини белгилаш мумкин.

Биринчи йўналиш – ижро ҳокимияти чиқарган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослиги устидан конституциявий назоратда ифодаланади. Суд ва ижро ҳокимияти ўртасида мувозанатни таъминлашда **суд назорати** институти айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Шу муносабат билан, бугунги кунда ҳокимият тармоқлари ўртасидаги, жумладан, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти билан суд ҳокимияти ўртасидаги ўзаро муносабат ҳамда бу муносабатларда мувозанатни таъминлаш масаласи илмий-назарий аҳамиятга молик.

Суд ҳокимияти билан қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги муносабатнинг моҳиятини аниқлашда **конституциявий назорат**, бугунги кунда ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Бинобарин, Конституциямизнинг 108-моддасида мустаҳкамланганидек, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради”¹. Конституциявий суднинг мазкур ваколати ижро ҳокимияти ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўз ваколати доирасида иш

¹“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Суди тўғрисида”ги Қонуни /1995 йил 30 августда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001, №9, 178 -м.

юритишини ва бошқа ҳокимият тармоғи ваколатлари доирасига дахл қилмаслигини таъминлашга қаратилган.

Ижро ҳокимияти билан суд ҳокимияти ўртасидаги муносабатни мувозанатлаш, суд ҳокимиятининг реал нуфузини кўтариш мақсадида Конституциявий суд ваколатларини кенгайтириш зарурлиги, шу мақсадда дастлаб, Конституциявий Судга қараб чиқиш учун масала киритадиган субъектлар доирасини кенгайтириш ҳамда фуқароларга инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш бўйича Конституциявий Судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш зарур.

Шу ўринда бундай амалиёт жаҳон ва МДХ (РФ) давлатлари тажрибасидаборлигини таъкидлаш зарур. Масалан, РФда Конституциявий Суд Конституциянинг устунлиги ва тўғридан-тўғри ҳаракат қилишини мавҳум нормоконтроль, компетенция ҳақидаги низоларни ҳал этиш, конкрет ишда қўлланилиши керак бўлган қонуннинг конституциявийлиги ҳақида суд сўрови ва фуқаролар аризаси бўйича ҳал этиш, ҳамда Конституцияга шарҳ бериш орқали таъминлайди. Конституциявий суд компетенциясига конкрет нормоконтроль, яъни қонуннинг конституциявийлигини суд ёки бошқа ҳуқуқ қўлловчи орган томонидан аниқ бир ишни кўриш билан боғлиқ ҳолда текшириш ҳам қиради¹.

Ижро ҳокимияти билан суд ҳокимияти ўртасидаги муносабатдаги иккинчи йўналиш бу – умумий юрисдикция судларининг қонунда белгиланган тартиб ва асосларда ижро ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фуқаролар, жамоат бирлашмалари, бошқа нодавлат ташкилотларга нисбатан чиқарган қарорлари ва ҳаракатлари қонунийлиги устидан назорат қилиш ваколати бўлиб, бунда суд органлари ижро ҳокимияти таркибига кирувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва

¹Федеральный конституционный закон РФ от 21 июля 1994 года "О Конституционном Суде Российской Федерации"// Электрон манба.

конунларга мослигини назорат қилиш, башарти мос келмаса, бундай ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳуқуқига эга¹.

Ижро этувчи ҳокимият билан суд ҳокимияти ўртасидаги муносабат ва ўзаро мутаносиблик – ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни учун ҳамда инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш нуқтаи-назаридан жуда долзарб масала бўлиб, у назарий, ҳуқуқий, амалий ва сиёсий аҳамиятга эга.

Ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанатга эришиш, айниқса суд ҳокимиятини чинакам ҳокимият тармоғига айлантиришнинг муҳим, самарали йўналиши – бу ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг қонунийлиги устидан суд назоратини кучайтириш, унинг шакл ва усуллари тақомиллаштиришдир. “Суд назорати – бу махсус жараён бўлиб, унинг ёрдамида суд органлари томонидан маъмурий ёки ижроия органлар ҳатти- ҳаракатининг қонун нормаларига мослигини текширади”².

Таъкидлаш зарурки, ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан суд назорати турли омиллар таъсирида шаклланади. Айни пайтда, турли хил ҳуқуқий тизимларда суд назоратининг ҳажми ўзаро фарқланади. Масалан, нафақат ижро ҳокимияти органлари қарорининг қонунийлиги, балки фактларни таҳлил этиш ва маъмурий қарорларнинг мақсадга мувофиқлигини текшириш кабиларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Шу ўринда континентал ҳуқуқ тизимига мансуб давлатлар Франция ва Польшада суд назорати ўзига хосликка эга. Бу ўзига хослик суд назорати Франция ва Польшадаги каби махсус маъмурий судлар томонидан амалга оширилишида ифодаланади.

Айни пайтда суд назоратининг шакл ва усуллари тегишли давлатнинг қайси ҳуқуқий тизимга мансублигини асосий мезон сифатида

¹ Исполнительная и судебная ветви власти: соотношение и взаимодействие// Государство и право.2000. № 1. С. 5 -7.;

Ахмедшаева М.А. Давлат ҳокимияти тизимида ижро ҳокимияти. Юрид.фан.док. илмий дараж. олиш учун дисс.автореф. Т.:2010.40б.

²Галлиган Д., Полянский В.В., Старилов Ю.Н. Административное право. История развития и основные концепции. -М.:Юрист.2002. –С.334.

карамаслик керак. Масалан, континентал тизимга мансуб Венгрияда ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан суд назорати фуқаролик судларининг махсус бўлинмаси томонидан олиб борилса, умумий ҳуқуқ тизимга кирадиган Буюк Британияда ҳам суд назорати фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан амалга оширилиши мумкин. Муҳими судларнинг қандай ташкил этилиши эмас, балки судларнинг ўз функцияларини амалга оширишда қанчалик мустақил эканлигидир.

Масалан, Франция маъмурий суди ташкилий жиҳатдан маъмурият (Давлат Кенгаши) нинг таркибий тузилмаси бўлишига карамай, ушбу суд томонидан олиб бориладиган назоратнинг кўлами ва унинг мустақиллиги кенглиги билан ажралиб туради².

Ижро ҳокимияти устидан чинакам суд назоратини кучайтириш – ижро ҳокимияти фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг муҳим кафолатини кучайтириш демакдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ҳуқуқий асослари умумий тарзда мустаҳкамланган. Конституциявий нормалар давлат органлари тўғрисидаги конституциявий ва жорий қонунларда ўзининг батафсил, кенгайтирилган талқинини топган¹.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг усуллари сифатида давлат

²Галлиган Д., Полянский В.В., Стариков Ю.Н. Административное право. История развития и основные концепции. -М.:Юристъ.2002. –С.334.

¹Қаранг: “Судлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Янги таҳрири)Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси..2001.-1-2-сон.- Б.48-80.;”Прокуратура тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2001. -19-сон.-139 –м.; Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” (янги таҳрирда)ги 2003 йил 29 август қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003 й.октябрь.-19(79) сон. -169-170моддалар.;“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002, -5-сон. -67-м.;“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси .2002, -12-сон. -213 м.Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги 2003 йил 29 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003. -19(79) сон. -167-модда; Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги 2003 йил 29 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003.-19(79) сон. -168-модда.

органларининг ҳужжати ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда давлат органининг қонунга зид ҳужжати низоларни кўришда суд томонидан қўлламаслик ва тадбиркорнинг фуқаролик ҳуқуқларини қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши кўрсатилган. Шунга мувофиқ ҳолда, мазкур Кодекснинг 12-моддасининг 1-қисмида “Давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин” эканлиги мустаҳкамланган¹.

Ижро ҳокимияти билан суд ҳокимияти ўртасидаги муносабатлардаги учинчи йўналиш – хўжалик судлари томонидан давлат органларининг, ижро ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб топишидир. Бу йўналиш – хўжалик судларининг ижро ҳокимияти органлари томонидан чиқарилган, тадбиркорлик соҳасида фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қамраб олувчи индивидуал ҳужжатларининг қонунийлиги устидан олиб борадиган назоратидир².

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик – Процессуал Кодексининг 24-моддасида мустаҳкамланган хўжалик суди ҳал этадиган низолар ичида **давлат органларининг** қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас, деб топишга доир низолар кўрсатилган³.

¹Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): тўплам / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: Т.: “Адолат”, 2014 йил, 2014 йил, -1056 бет. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 356 б.

² Исполнительная и судебная ветви власти: соотношение и взаимодействие // Государство и право. -Москва.2000. -№ 1. -С. 5 -7.; Ахмедшаева М.А. Давлат ҳокимияти тизимида ижро ҳокимияти. Юрид.фан.док. илмий дараж. олиш учун дисс.автореф. Т.:2010.40б.; Мухитдинова Ф.Ф. Судебно-правовая реформа в Узбекистане. Задачи, достижения, перспективы. Ташкент. 2008.YURIST MEDIA MARKAZI.168с.

³Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): тўплам / Ўзбекистон Республикаси

Бозор муносабатларининг кенгайиши ва мустаҳкамланиши, турли мулк шакли ва унинг эгалари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг кенг ривожланиши ушбу йўналишдаги фаолиятнинг ривожланишига олиб келмоқда, дейиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, гарчи Ўзбекистон Республикаси ҳокимиятлар тизимида суд ҳокимиятининг ижро ҳокимиятига нисбатан назорат функциясининг юқорида қайд этилган ҳуқуқий асослари мавжуд бўлишига қарамай, бу масалада айрим ноаниқликлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик - процессуал кодексининг хўжалик суди хал этадиган низолар рўйхати мустаҳкамланган 24-моддасида “давлат органлари” ибораси ишлатилган. Бироқ, бу ибора жуда умумий мазмунда бўлиб, у ўз ичига қайси давлат органларини олиши аниқ эмас. Назарий жиҳатдан давлат органларига қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд органлари ҳамда прокуратура ва назорат органларини ҳам киритиш мумкин. Шу боис, бу масалага аниқлик киритиш зарур. Фикримча, “давлат органлари” иборасини “давлат бошқаруви органлари” ибораси билан алмаштириш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу атама “давлат органи” атамасига нисбатан анча конкретроқ мазмунга эга. Шу муносабат билан, ЎзР фуқаролик кодексининг 12-моддаси 1-қисмини қуйидагича таҳрирда бериш мумкин: “Давлат **бошқарув** органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин” эканлиги мустаҳкамланган¹.

Адлия вазирлиги: Т.: “Адолат”, 2014 йил, 2014 йил, -1056 бет. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 356 б.

¹Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): тўплам / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: Т.: “Адолат”, 2014 йил, 2014 йил, -1056 бет. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 356 б.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик - процессуал кодексининг хўжалик суди ҳал этадиган низолар рўйхати мустаҳкамланган 24-моддасининг матнидаги “давлат органлари” иборасини ҳам “давлат бошқаруви органлари” деб алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Айни пайтда суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва нуфузини кўтаришнинг муҳим йўналиши – судьяларнинг обрўсини кўтариш, уларнинг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш эканлигини эътиборга олган ҳолда “Судлар тўғрисида”ги қонунда мустаҳкамланган судьяларнинг моддий таъминоти ва хавфсизлигини таъминлашга оид нормаларнинг имкон қадар тўла амалга ошишини таъминлаш зарурлиги, судьяларнинг моддий таъминоти ва хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш аҳоли ўртасида суд органларининг нуфузини оширишга ва мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда¹.

Судлар фаолиятини таъминлашда ижро ҳокимиятининг ташкилий-ҳуқуқий тусдаги фаолияти аҳамият касб этади.

Ижро ҳокимияти билан суд ҳокимияти ўртасида ваколатлар мувозанатини таъминлашда ижро ҳокимияти таркибига кирувчи орган бўлган Адлия вазирлиги ҳузуридаги **“Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти”** фаолиятини кўрсатиш зарур. Ижро ҳокимияти тизимидаги мазкур Департамент суд қарорларини ижро этилишини, суд органлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ҳамда молиявий таъминлаш орқали, маълум маънода суд ҳокимиятини мувозанатлаб туради. Шунга кўра, мазкур Департамент фаолиятини, маълум даражада, ижро ва суд ҳокимияти ўртасида “бир-бирини тийиб, мувозанатлаб туриш” механизмининг бир бўғини сифатида эътироф этиш

¹Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 355-модда.

мумкин. Гарчи, бошқа давлатлар қонунчилигида, жумладан, Ҳукумат тўғрисидаги қонунда унинг суд ҳокимияти билан ўзаро муносабати асослари кўрсатилган. Шу боис, яъни халқаро тажрибани эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонунинг Ҳукуматнинг Олий Мажлис ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатига бағишланган бобига қуйидаги матнли 11¹ -модда киритишни таклиф этаман:

11¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг суд ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабати асослари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси суд органларининг фаолиятини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Шу мақсадда давлат бюджети маблағларидан судлар фаолиятини молиялаштиради ва судларга доир амалдаги қонунчиликка биноан судлар томонидан тўла ва мустақил равишда одил судловни амалга ошириш имконини таъминлайди; суд қарорларининг ижросини таъминлашни ташкил этади.

Шундай қилиб, бугунги кунда суд ҳокимиятининг ижро ҳокимиятига таъсир этиши ва унинг фаолиятини назорат этишининг етарли ташкилий-ҳуқуқий механизми мавжуд, дейишга асос бор. Бу механизмнинг қанчалик самарали ишлашидан мамлакатимизда олиб борилаётган давлат-ҳуқуқий ислохотларнинг ривож ва натижалари маълум даражада боғлиқ.

3.2. Суд ҳокимияти фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ барча соҳаларда ислоҳий ишларни бошлаб юборди. Суд-ҳуқуқ соҳаси ҳам бунда назардан четда қолмади. Мамлакатда бевосита Президент И.А.Каримов бошчилигида мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, мустақил суд ҳокимиятини барпо этиш ва ривожлантириш ишлари бошланиб кетди.

Авваламбор, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистондаги суд-хуқуқ ислохотларнинг фарқли хусусияти бўлиб, унинг босқичма-босқич амалга оширилиши ҳисобланади.

Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг **биринчи босқичи 1993 йили** 6- майда «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан бошланди. Шу билан бирга, бу босқич бошланишини 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ҳам белгилаб берди. Мазкур қонунда айбсизлик презумпцияси, ҳимояланиш ҳуқуқи, суд жараенида тортишувчилик ва ошкоралик каби умумэътироф этилган принциплар ўзининг ифодасини топди.

Айни вақтда суд-хуқуқ ислохотлари чуқурлаштириш борасида, мамлакатда қонунийликни таъминлашда 1994 йили сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг қабул қилиниши ва 1995 йили 1 апрелдан кучга кириши суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида муҳим қадам бўлди.

«Жиноят кодекси билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал-кодекси ҳам ишлаб чиқилиб, қабул қилинган эди. Янги қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексида илк бор жиноят процессининг халқаро-хуқуқий нормаларга мувофиқ келувчи принциплари: айбсизлик презумпцияси, судловда тортишувчилик, ҳимояга бўлган ҳуқуқнинг таъминланиши ва бошқалар мустаҳкамланган эди. Янги Жиноят-процессуал кодекси ҳимояга бўлган ҳуқуқни эълон қилибгина қолмай, балки судловнинг дастлабки босқичлариданок, яъни жиноятни содир этишда гумонланувчи шахсни ушлаш вақтидан бошлаб унинг амалга оширилишини таъминлайди»¹.

1994 йили сентябрда қабул қилинган ва 1995 йили 1 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-жавобгарлик

¹Қаранг: Судебная власть в Узбекистане: время реформ. –Т., 2002. – С. 202-203.

тўғрисидаги Кодексининг амалга кириши ҳам қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда муҳим аҳамият касб этган.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари олдида турган долзарб масалаларни ҳал қилиш учун 1995 йили 30 августда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияий Суди тўғрисида»ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Ижро ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларидан шахс ҳуқуқларини самарали муҳофазалаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят билан мурожаат қилиш тўғрисида», «Адвокатура тўғрисида», «Адвокатлик фаолияти кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, юқоридаги қонунларнинг қабул қилиниши принципиал масала, яъни адвокатура тизимининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура органлари ваколатлари ва мақоми билан тенглаштириш масаласи билан боғлиқ эди. Бу борада мамлакат Президенти И.А.Каримов шундай дейди: «Ҳар қандай суд жараёнида, жиноий иш кўрилаётган бўлса ҳам, фуқаролик иши кўрилаётган бўлса ҳам, бир томонда айбловчи, иккинчи томонда тенг ҳуқуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади.

Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судьялар эса қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини холисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради»¹.

Шундай қилиб, суд ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш давомида суд тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй берди: қонун ва қонун ости ҳужжатлар билан чегаралаб қўйилган суд компетенциясидан, жаҳонда қабул қилинган стандартларга тўла жавоб берувчи суд компетенцияси ўрнатилди. Судловваколатларининг кенгайтирилиши судларнинг давлат

¹Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999. Б. 28.

ҳокимиятининг тўла қонли алоҳида тармоғига айланиши учун шарт-шароит яратиб, инсон ҳуқуқлари ва жамият ҳуқуқий асосларини янада самарали ҳимоя қилиш учун имконият туғдирди¹.

Ушбу ўзгаришлар суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бошланғич, **биринчи босқичини тавсифловчи омиллар бўлди.**

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг **иккинчи босқичидаги** муҳим масалалари ва йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг биринчи чақириқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида белгилаб берилди: «Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш – ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак»².

Фуқароларда судга уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи орган сифатида ижобий муносабат шакллантириш мақсадида, судлов юрисдикцияси соҳаларини кенгайтириш мақсадида, қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъминлашда судларнинг ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши республикада суд ислоҳотларини ривожлантириш бўйича дастурни тасдиқлади. И.А.Каримов ташаббуси билан 1997 йили 12 сентябрда илк бор Ўзбекистон судьяларининг съезди бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон судьялари Ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида қарор билан бирга Ассоциациянинг Низоми ҳам қабул қилинди. Ассоциациянинг асосий

¹Қаранг: Судебная власть в Узбекистане: время реформ. –Т., 2002. С. 203.

²Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзланган нутқи, Т., 1996.

вазифаси этиб мамлакатда суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш белгиланди.

Суд тизимини ислоҳ қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг судларнинг ихтисослашуви, яъни умумий юрисдикция судларининг алоҳида-алоҳида фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқувчи судларга бўлиниши тўғрисидаги Фармони юксак аҳамият касб этди. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларининг янада мустаҳкамланишини, суд ишларининг янада сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлади.

Ҳокимиятнинг алоҳида мустақил тармоғи сифатида суднинг мустақиллигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлигини ошириш, суд қарорларининг адолатлилигини таъминлаш, суд сансалорлигига барҳам бериш мақсадида суд тизимини ислоҳ қилиш 2000 йили 14 декбарда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги қонунининг қабул қилиниши заруратини белгилаб берди¹.

Мазкур қонунда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш давомида тўпланган тажрибалар инобатга олинган эди, судларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратилган эди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг **учинчи босқичи** Президент И.А.Каримов томонидан иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 6 сессиясида (2001 йили 30 август) белгилаб берилди. Шу билан бирга мамлакат раҳбари ўзининг маърузасида «Судлар тўғрисида» янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилинишини белгилаб берган сабаблар ва уларнинг остида ётганомиллар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди. **Биринчидан**, янги таҳрирдаги қонунда ҳокимиятларнинг бўлиниши ва ҳокимиятнинг мустақил тармоғи сифатида судларнинг мустақиллиги тамойили янада мустаҳкамланди — адлия вазири ваколатларидан судьяликка номзодларни

¹Қаранг: Судебная власть в Узбекистане: время реформ. –Т., 2002. С. 207

тақдим этиш ваколати олиб ташланди. **Иккинчидан**, судларнинг ихтисослашуви қонунчилик йўли билан мустаҳкамланди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича мустақил судларнинг ташкил топиш механизми белгилаб берилди, судларнинг ихтисослашуви рўй берди. **Учинчидан**, янги таҳрирдаги қонунда судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминоти масалалари белгилаб берилди-ки, буларни бажариш Адлия вазирлиги қошида махсус ташкил этилган Суд департаментига юклатилди. **Тўртинчидан**, янги қонунда кадрларни танлаб олиш ва жойлаштиришнинг қонун билан батафсил тартибга солинган самарали механизми ташкил этилганди¹.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг учинчи босқичи либерализация, суд-ҳуқуқ ислохотларининг янада чуқурлаштирилиши даври бўлди.

Мамлакатимизда судьяларнинг моддий таъминоти кучайтирилганлиги судьяларнинг, суднинг жамиятда нуфузи кўтарилишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга судьяларнинг фаолиятини таъминлашга кўмаклашувчи суд аппарати ходимларининг ҳам маошларини кўпайтириш масаласи долзарб, чунки судьяларнинг бандлиги даражасини эътиборга оладиган бўлсак, суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини таъминлашда суд котиблари ва бошқа ходимларнинг ўрникатта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам ушбу таклифнинг амалга ошиши суд ходимларининг қонуний фаолият олиб боришини янада мустаҳкамлаган бўлар эди.

Судларнинг фақат қонунга асосланиб, қонуний, асослантирилган ва адолатлиқарор қабул қилишини таъминлашни янада кучайтириш мақсадидасудьялар қўлида кўп ишлар тўпланиб қолиши, уларнимуддат масаласи доимо тез-тез ишларни кўриб чиқишга ундаши – судьялар қарорининг сифатига таъсирэтишини назарда тутган ҳолда, ҳар бир судья кўриши керак бўлган ишларнингсони, кўлами масаласини

¹ Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. –Т., 2003, -С. 231.

оптималлаштириш зарурати мавжуд. Шу мақсадда **тегишли судларда судьялар сонини кўпайтириш масаласи суд-ҳуқук ислохотларининг муҳим йўналиши бўлиши керак;**

Суд қарорларининг кучи уларнинг ижроси орқали таъминланади. Бироқ, кўпинча суд ижрочилари қўлида ижросини таъминлаш керак бўлган суд қарорларининг сонини жуда кўп эканлигини амалиётдан биламиз. Шу мақсадда **суд ижрочилари қўлида бўладиган ишларнинг сонини уларнинг ижроси хусусиятини эътиборга олган ҳолда оптималлаштириш зарур.** Бу борада тўпланган халқаро тажриба ҳам бунини тасдиқлайди; Бундан ташқари, ахборот асри шароитида судлар фаолиятида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтириш, шунингдек, ҳар бир тоифа судларида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг хусусиятларини илмий таҳлил этиш масалалари бугунги кунда долзарб эканлигини таъкидлаш зарур¹. Бугунги кунда, ҳўжалик судлари фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш тобора ривожланиб бормоқда.

Бу борада халқаро тажрибадан ҳам фойдаланилмоқда. “Халқаро ташкилотлар иштирокида амалга оширилаётган энг йирик лойиҳалардан бири – бу Европа Иттифоқининг “Ўзбекистонда суд-ҳуқук соҳасидаги ислохотларини амалга оширишга кўмаклашиш” лойиҳасидир. Ушбу лойиҳанинг асосий йўналишларидан бири судлар фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш ҳисобланади. Жумладан, лойиҳанинг бошланғич жараёнида Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар судлари танлаб олинган бўлиб, уларни 2015 йилда замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш режалаштирилган.

Бундан ташқари БМТ тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Фуқаролик суд ишларини юритишни ислоҳ қилиш: самарали суд бошқаруви” лойиҳаси

¹Бу ҳақда қаранг: Эсанова З. Процессуал қонунчиликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари // Давлат бошқаруви органлари фаолиятини информацион ва ҳуқуқий таъминлаш. Илмий семинар материаллари. – Т.: ТДЮУ, 2014. Б.40-45.

доирасида фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида “Е SUD” электрон судлов ахборот тизимимуваффақиятли сновдан ўтказилмоқда. Ҳозирги кунда “Е SUD” электрон судлов ахборот тизими доирасида, шунингдек, давлат божини электрон шаклда тўлаш имкониятини берувчи “онлайн” тизим ишлаб чиқилмоқда¹. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ХПКга 2014 йил 1 сентябрдан кучга кирган 126¹-модда – **Хўжалик судининг видеоконференцалока режимидаги мажлисида иштирок этиш** – киритилганлиги ҳам бунинг ифодасидир².

Ўзбекистон Республикасининг **2015 йил 9 июнда** қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида” ги №ЎРҚ-388 қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ФПК га суд фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги моддаларга 1,73,132,133,135,137,138,148,149,150,154,177,223,228,230,238³, 238¹⁰, 271, 278, 309⁵, 309¹⁰, 319, 322, 323, 324, 328, 330, 346, 348³, 348⁴, 348⁵, 348⁸, 348¹¹, 353, 360, 367, 368, 374 (жами 38 та моддага) ўзгартиш вақўшимчаларкиритилди. Шу тариқа бугунги кунга келиб судлар фаолиятида, айниқса фуқаролик судлари фаолиятида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси шакллантирилди, дейиш мумкин³.

Судлар фаолиятини такомиллаштириш ҳам маълум бир вақт давомида амалга оширилиб, яқунланадиган кампания бўлмай, балки,

¹Жўраев Н. Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – суд- ҳуқуқ тизимини ислох этишнинг бош мақсади // Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси, 2015, №1(118).-Б.2-4.

²Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): тўплам / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:Т.: “Адолат”, 2014 йил, 2014 йил, -1056 бет. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 356 б.

³Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида” ги №ЎРҚ-388 қонуни // Халқ сўзи, 2015 йил 9 июнь. №114 (6297).

жамиятнинг ривожланиши, инсонларнинг эҳтиёжлари ва ҳуқуқий онг ва маданияти ортиб бориши билан боғлиқ ривожланиб борадиган мантиқий жараёндир.

III боб бўйича хулоса

1. Мамлакатимизда судьяларнинг моддий таъминоти кучайтирилганлиги судьяларнинг, суднинг жамиятда нуфузи кўтарилишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга судьяларнинг фаолиятини таъминлашга кўмаклашувчи суд аппарати ходимларининг ҳам маошларини кўпайтириш масаласи долзарб, чунки судьяларнинг бандлиги даражасини эътиборга оладиган бўлсак, суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослангандигани ва адолатлилигини таъминлашда суд котиблари ва бошқа ходимларнинг ўрни катта аҳамиятга эга.

2. Судьялар қўлида кўп ишлар тўпланиб қолиши, муддат масаласи уларни ишларни доимо тез-тез кўриб чиқишга ундаши – судьялар қарорининг сифатига таъсир этишини назарда тутган ҳолда, ҳар бир судья кўриши керак бўлган ишларнинг сони, кўлами масаласини оптималлаштириш зарурати мавжуд. Шу мақсадда **тегишли судларда судьялар сонини кўпайтириш масаласи суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналиши бўлиши керак;**

3. Суд ижрочилари қўлида ижросини таъминлаш керак бўлган суд қарорларининг сони жуда кўп эканлигини амалиётдан биламиз. Шу мақсадда **суд ижрочилари қўлида бўладиган ишларнинг сонини уларнинг ижроси хусусиятини эътиборга олган ҳолда оптималлаштириш зарур.** Бу борада тўпланган халқаро тажриба ҳам буни тасдиқлайди;

4. Бундан ташқари, ахборот асри шароитида судлар фаолиятида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтириш, шунингдек, ҳар бир тоифа судларида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг хусусиятларини **илмий таҳлил этиш масалалари** бугунги кунда долзарб эканлигини таъкидлаш зарур

ХУЛОСА

Суд ҳокимиятининг давлат механизмида тутган ўрнига оид назарий хулосалар:

1. Ҳозирги замонда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг синалган принципи сифатидаги ҳокимиятлар бўлинишининг асосий моҳияти — мазкур принципнинг самарадорлигини таъминловчи механизм — ҳокимият тармоқлари ўртасида “бир-бирини тийиб, ўзаро мувозанатда ушлаб туриш” тизими бўлиб, у ҳокимият тармоқларининг ўз ваколатлари доирасида мустақиллигини таъминлаш баробарида, ўзаро назорат қилиш имкониятини беради; ҳокимият тармоқлари ўртасида ҳокимият ваколатлари мувозанатини таъминлаш — давлат механизмининг бир маромда ишлаши, ваколатлар суиистеъмолигини истисно этиш ва давлат механизмининг ҳуқуқий-демократик асосларини кучайтириш ҳамда инсон ҳуқуқларининг таъминланишига хизмат қилади.

2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани давлат-ҳуқуқий ҳодисаларни ўрганиб, уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқибтушунчалар ва таърифлар шакллантиради. Шу нуқтаи-назардан, илмий манбаларда ҳамда Олий суд Пленумларида суд ҳокимиятига берилган таърифларни мушоҳада қилиш асосида, суд ҳокимиятига таъриф берилди: “Суд ҳокимияти —бу амалдаги қонунчилик нормалари асосидаконунларнинг конституциявийлиги, давлат ва фукаро, фукарлар ва юридик шахслар ўртасида ҳуқуқий низоларни ҳал этадиган ҳамда фукарларнинг давлат органлари билан бўладиган ўзаро муносабатида, жиноятларни тергов қилишда ва оператив-тезкор фаолият олиб боришда фукарлар ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан назорат олиб борадиган ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган юридик ҳужжатлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил тармоғидир”.

3. Илмий адабиётларда суд ҳокимиятини амалга ошириш шакллари ва унинг функцияларини аниқлашда трли ёндашувлар мавжуд. Шу боис, мен давлат ва ҳуқуқ назарияси фанидаги давлат ва ҳуқуқ функциялари

ҳақидаги таълимотлар ҳамда юқоридаги илмий адабиётдаги фикрлар асосидасуд ҳокимияти функцияларига муаллифлик таърифини беришга ҳаракат қиламан:

Суд ҳокимияти функциялари бу – суд органларининг қонунга асосланган, ҳуқуқ ҳақидаги низони адолатли ҳал этадиганодил судловни амалга оширишга қаратилган фаолиятининг асосий ва муҳим йўналишларидир.

Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан хулосалар:

1. Жамиятни демократлаштириш, ва давлат-ҳуқуқий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколатини фуқаролар томонидан Конституциявий **судга индивидуал шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқини тегишли қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйиш** орқали кенгайтириш керак. Бундай ўзгаришга асос бўлиб, давлат қурилишининг демократлашуви ва бундай тартиб халқаро тажрибада кенг тарқалганлиги ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлашда мазкур суднинг нуфузли роль ўйнаши мумкинлиги каби ҳолатлардир;

2. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг бошқа ҳокимият тармоқлари билан ўзаро муносабати асосларини кучайтириш катта аҳамиятга эга. Суд ҳокимиятининг ижро ҳокимияти билан ўзаро муносабати асосларини янада такомиллаштириш зарурати мавжуд. Бу масалада бирмунча халқаро тажриба ҳам шаклланган. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонунида қонунчилик ҳокимияти билан, ННОлар билан муносабатининг ҳуқуқий асослари кўрсатилгани ҳолда, алоҳида ҳокимият тармоғи бўлган суд ҳокимияти билан муносабатига оид биронта норма йўқ. Айрим МДХ давлатларида (мас. РФда) бу икки ҳокимият тармоғи ўртасидаги муносабатга яхлит боб ажратилганлигини кўришимиз мумкин. Юқоридагиларга асосланган ҳолда,

Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуни нинг Ҳукуматнинг Олий Мажлис ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатига бағишланган бобига қўшима қилиб, қуйидаги матнли 11¹ -модда киритишни таклиф этаман:

11¹-модда.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг суд ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабати асослари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси суд органларининг фаолиятини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Шу мақсадда давлат бюджети маблағларидан судлар фаолиятини молиялаштиради ва судларга доир амалдаги қонунчиликка биноан судлар томонидан тўла ва мустақил равишда одил судловни амалга ошириш имконини таъминлайди; суд қарорларининг ижросини таъминлашни ташкил этади.

Бу норманинг киритилиши суд ва ижро ҳокимияти ўзаро муносабати ҳуқуқий асослари кучайишига ва муносабатларнинг самарадорлигига олиб келади;

3. Бундан ташқари, суд ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида муносабатда мувозанатни таъминлашга хизмат қилувчи суд назорати институтининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекснинг 11,12,15-моддаларида, Хўжалик-процессуал кодексининг 24-моддаси 9-банди ва б. моддаларида мустаҳкамланган “**давлат органлари**” атамасини аниқлаштириш зарур. Чунки, назарий жиҳатдан “давлат органлари” атамаси ўз ичига қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд органлари ҳамда прокуратура ва назорат органларини ҳам олиши мумкин. Аслида бу норма асосан ижро этувчи ҳокимият тизимига кирувчи давлат бошқаруви органларини назарда тутмоқда. Шу боис, бу атамани “**давлат бошқаруви органлари**” атамаси билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Судлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ташкилий тусдаги таклифлар:

1. Судларнинг фақат қонунга асосланиб, қонуний, асослантирилган ва адолатлиқарор қабул қилишини таъминлашни янада кучайтириш мақсадидасудьялар кўлида кўп ишлар тўпланиб қолиши, уларнимуддат масаласи доимо тез-тез ишларни кўриб чиқишга ундаши – судьялар қарорининг сифатига таъсирётишини назарда тутган ҳолда, ҳар бир судья кўриши керак бўлган ишларнингсони, кўлами масаласини оптималлаштириш зарурати мавжуд. Шу мақсадда **тегишли судларда судьялар сонини кўпайтириш масаласи суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналиши бўлиши керак;**

2. Суд қарорларининг кучи уларнинг ижроси орқали таъминланади. Шу муносабат билан суд қарорларининг ижросини ташкилий жиҳатдан таъминлаш масаласи ўта долзарбдир. Бироқ,кўпинча суд ижрочилари кўлида ижросини таъминлаш керак бўлган суд қарорларининг сонигуда кўп эканлигини амалиётдан биламиз. Шу мақсадда **суд ижрочилари кўлида бўладиган ишларнинг сонини уларнинг ижроси хусусиятини эътиборга олган ҳолда оптималлаштириш (камайтириш) зарур.** Бу борада тўпланган халқаро тажриба ҳам буни тасдиқлайди;

3.Мамлакатимизда судьяларнинг моддий таъминоти кучайтирилганлиги судьяларнинг, суднинг жамиятда нуфузи кўтарилишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга судьяларнинг фаолиятини таъминлашга кўмаклашувчи **суд аппарати ходимларининг ҳам маошларини кўпайтириш масаласи долзарб,** чунки судьяларнинг бандлиги даражасини эътиборга оладиган бўлсак, суд ҳужжатларинингсифатини таъминлашда суд котиблари ва бошқа ходимларнинг ўрни катта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам ушбу таклифнинг амалга ошиши суд ходимларининг қонуний фаолият олиб боришининг муҳим бир қафолати сифатида ўзини намоён қилган бўлар эди.

4. Ундан ташқари, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш зарурати мавжуд. Жумладан, айрим маъмурий идора ва ташкилотларга

(солиқ, божхона ходимлари, ўт ўчириш хизмати, ДАН ходимлари ва б) хануз низоли масалаларни кўриш ва жазо (санкция) қўллаш ваколати берилган. Ҳуқуқбузарлик ҳолати низоли бўлганлиги сабабли бузилган ҳуқуқни тиклаш масаласи ваколатли суд томонидан кўриб, ҳал қилиниши мақсадга мувофиқ. Юқорида таъкидланган ташкилотлар томонидан аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун ваколатли судга берилиши, суд эса одил судловни амалга ошириши лозим. Жаҳон амалиётида ушбу масалалар маъмурий судлар томонидан ҳал этилади (Германия, Франция). Шу муносабат билан, яқин келажакда мамлакатимизда **маъмурий юстицияни** ривожлантириб, унинг алоҳида тизимга айлантириш масаласи долзарб бўлиб, унинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини босқичма-босқич ишлаб чиқиш зарур.

5. Мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган демократик жараёнларни, инсон ҳуқуқлари, айниқса бола ҳуқуқларини таъминлашга бўлган эътиборниҳамда судларнинг ихтисослашувини эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда ювенал судлар (вояга етмаганлар суди) ни ташкил этиш вазифасини босқичма-босқич амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман. Чунки, ювенал юстиция соҳасидаги жаҳон амалиётидан маълумки, ювенал судлар нафақат судьялар, балки ижтимоий ходимларни (социальные работники) ҳам жалб этган ҳолда амалга оширилади, шу боис бундай судлар фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон. 2014.- 76 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2.,2014 йил,№4-сон.
- 1.3. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Суди тўғрисида”ги Қонуни /1995 йил 30 августда қабул қилинган / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001,№9, 178 -м.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012. –№ 52. –583-модда.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2002, № 12. – 213-модда.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2002, № 12. – 215-модда.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноий-процессуал ва Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси.2001. №9-10, 165 модда.
- 1.8. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» (янги таҳрирда)ги 2003 йил 29 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003 й.октябрь.19(79) сон. 169-170моддалар.
- 1.9. “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2006 йил, №10, 537-модда.
- 1.10.Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т.: “Адолат”, 2014.– 1056 бет.

1.11. Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 355-модда.

1.12. “Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарори. 2014 йил 23 майда қабул қилинган // Электрон манба: <http://lex.uz/ld/irs/doc/2413562>.

2. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР

2.1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -174 б.

2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маъруза // Халқ сўзи. - 2014 й. 8-декабрь.

2.3. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” // Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: “Ўзбекистон”. 2010. –80 б.

2.4. Каримов И.А.”Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир“. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 9 декабрь.

2.5. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил, 6-декабрь.

3.АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

3.1. Судебная власть в Узбекистане: время реформ. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. 2002. – Тошкент: Адолат, - 367 с.

3.2. Балтаев А.Р. Судебная власть в Республике Узбекистан. – Ташкент, 1997. – 34 с.

3.3. Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. - Тошкент: ТДЮИ, 2003. - 244 б.

3.4. Мухитдинова Ф.Ф. Судебно-правовая реформ в Узбекистане. Задачи, достижения, перспективы. Ташкент. 2008. YURISTMEDIAMARKAZI.168с.

3.5. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Мас. муҳ. проф. А.А.Азизхўжаев. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ. 2011. 496 б.

3.6. Правосудие в современном мире. Под. ред. В.М.Лебедева, Т.Я.Хабриева. М., 2011.709с.

4. ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

- 4.1. Бойко А.Д. Третья власть. – М.: БЕК, 1998, С. 104.
- 4.2. “Давлат курилиши ва бошқаруви”. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши Академияси. -Тошкент. 2007.- Б. 373.
- 4.3. Давлат бошқаруви органлари фаолиятини информаион ва ҳуқуқий таъминлаш. Илмий семинар материаллари. - Т.:ТДЮУ, 2014. -193 б.
- 4.4. Головистикова А.Н., Дмитриев Ю.А. Проблемы теории государства и права. Учебник.-М.:Изд-во Эксмо.2005.-832 с.
- 4.5. Галлиган Д., Полянский В.В., Стариков Ю.Н. Административное право. История развития и основные концепции. - М.:Юристь.2002. –С.334.
- 4.6. Дастлабки терговда суд назоратини ташкил қилиш муаммолари.Т.:2005. ТДЮИ нашри. 227 б.
- 4.7. Джон Х.Хэллоуэлл. Моральные основы демократии. The moral foundation of democracy. Перевод с английского. - М.: ППП. 1993. –144 с.
- 4.8. Лебедев В.М. Судебная власть в современной России. Санкт-Петербург. Изд. «Лань». 2001. С. 36.
- 4.9. Дмитриев Ю.А., Черемних Г.Г. Судебная власть в механизме разделения властей и защите прав и свобод человека // Государство и право. М., 1997. С. 48.
- 4.10.Калина В.Ф. Юридическая техника.–Москва: Юрайт, 2014.-291с.
- 4.11.Конституция РФ. - М.: Юрлит. 2008. -125м.
- 4.12.Федеральный конституционный закон Российской Федерации от31 декабря 1996 года № 1-ФКЗ “О судебной системе Российской Федерации”.
- 4.13.Ржевский В.А., Чепурнова М.Н. Судебная власть в Российской Федерации: конституционные основы организации и деятельности. –М., 1998. –С. 96.
- 4.14.Рябзин А.А. Принципы организации и функционирования судебной власти в зарубежных странах // Современное право /Международное и зарубежное право. 2014, №-2. -С.114-119.
- 4.15.Рустамбаев М.Х.,ТухташеваУ.А. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. –Т.:ILM ZIYO,(Икки жилдли1-жилд)2011.-304 б.
- 4.16.Рустамбаев М.Х.,ТухташеваУ.А. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. Т.:ILM ZIYO”, (Икки жилдли2-жилд)2011.-400 б.
- 4.17.Правоохранительные органы РФ / Под ред. В.П.Божьева.– М., 1996. –С. 42;

4.18.Эсанова З.Процессуал қонунчилиқни ривожлантиришнинг долзарб масалалари //Давлат бошқаруви органлари фаолиятини информаион ва ҳуқуқий таъминлаш. Илмий семинар материаллари. – Т.: ТДЮУ, 2014. Б.40-45.

5. ДАВРИЙ НАШРЛАР

5.1. Мустафоев Б.Суд қарори ижроси – адолат барқарорлиғи омили // *Huquq va burch*. 2009. №4. Б.6-9;

5.2. Адилходжаева С.М. Совершенствование системы сдержек и противовесов: функциональное укрепление судебной системы. // *Ўзбекистон қонунчилиғи таҳлили. Uzbeklawreview*. Обзор законодательства Узбекистана. 2005. №1-2. –С.89-90.

5.3. Жўраев Н. Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – суд- ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг бошмақсади // *Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси*, 2015, №1(118).- Б.2-4.

5.4. Мирбабаев Б.Ш. Конституция и независимость судебной власти.// *Вестник Конституционного суда Республики Узбекистан*. Выпуск пятый. 2001. С. 85.

5.5. Мухитдинова Фарруха. О судебной системе Республики Узбекистан// *ТДЮИ Ахборотномаси*. 2008. № 6.Б. 89-91.

5.6. Мамасидиқов М. Судлар томонидан процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя этиш –одил судлов қафолати // *Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси*, 2013 йил, №2 (14); ”

5.7. Мамасидиқов М. Жиноий жазоларни либераллаштириш –инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омили” // *Инсон ва қонун*, 2014 йил 4 ноябрь.

5.8. Ражабова М. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш муаммолари // *Ҳуқуқ. Право. Law*. 2000. –Б.43-45.

5.9. Ражабова М.А. Ҳуқм.Унинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлаш шартлари // *Ҳаёт ва қонун*. 2003, №4, Б. 9-11.;

5.10.Рўзиназаров Ш.Суд қарори: тушунчаси ва моҳияти // *Хо”jalik va huquq*. 2 004. №10.Б.15-18.;

5.11.СаидовБ. Защита прав человека в деятельности правоохранительных органов // *Демократизация и права человека*. 2007. - №2. -С.109-113.

5.12.Исмоилов Б., Мухторов Н. Суд-ҳуқуқ ислохотлари; “*Habeas Corpus*” институтининг яратилиши // *Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари*. Илмий маърифий журнал.Тошкент. 2006. - №4. Б. 28.

5.13.Д. Эргешева. «Суд ҳокимияти тушунчаси ва мазмуни». *Ҳуқуқ. Право Law*. Т.: ИИВ нашри, 2003, 4-сон. Б. 49.

6.ХОРИЖИЙ ДАВРИЙ НАШРЛАР

6.1.Гаганова Н.А. Концепция разделения властей и идея субсидиарности // Государство и право. – М.: 2003.-№3. -С.88-91.

6.2.Исполнительная и судебная ветви власти: соотношение и взаимодействие// Государство и право.2000. № 1. С. 5 -7.

6.3. Дмитриев Ю.А. Черемных Г.Г. Судебная власть в механизме разделения властей и защите прав и свобод человека // Государство и право. -Москва. 1997 -№8, -С.44-50;

6.4.Петрухин И.Л. Проблема судебной власти в современной России //Государство и право.-Москва. 2000.-№7. -С.15-21.

6.5. Книпер Р. Толкование, аналогия и развитие права: проблемы разграничения судебной и законодательной власти // Государство и право. 2003. -№8. -С.5-10.

6.6.Скитович В.В. Судебная власть как системное образование // Правоведение. – 1997. -№ 1. – С. 150;

6.7.Фоков А.П. Судебная власть в системе разделения властей //Государство и право. 2006.№ Б.10- 13.

6.8.Henry T. Reath. Judicial Evaluation - the Counterpart to Merit Selection // American Bar Association Journal. Vol. 60, No. 10 (October 1974), pp. 1246-1248.<http://www.jstor.org>.

6.9.Peter H. Russell.“Constitutional Reform of the Judicial Branch: Symbolic vs. Operational Considerations” // Canadian Journal of Political Science / Revue canadienne de science politique
Vol. 17, No. 2 (Jun., 1984), pp. 227-252. //http://www.jstor.org.

6.10. Bruce Ackerman. “The New Separation of Powers”//<http://www.jstor.org>.

7.АВТОРЕФЕРАТЛАР

7.1. Мухитдинова Ф.Ф. Становление и развитие судебной власти в Республике Узбекистан. Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – Ташкент, 2012. 47 с.

7.2. Рахимов Ф.Х.Теоретические и практические проблемы создания демократического правового государства в Республике Узбекистан. Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. Т.:2001.43 с.

7.3.Умарова Ш.О. Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қурилишида суд ҳокимиятининг ўрни. Юрид.фан.номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент, 2004. - 28 б.

7.4. Ахмедшаева М.А. Давлат ҳокимияти тизимидаиждо ҳокимияти. Юрид.фан.док. илмий дараж. олиш учун дисс.автореф. Т.:2010.40б.